

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“МФ ВА ФАЛСАФА” КАФЕДРАСИ

Нодирбекова Гулзиранинг

5141500 – Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими
таълим йўналиши

бўйича бакалавр даражасини олиш учун

**«Темур ва темурийлар даври маданиятини ўрганишнинг ҳозирги давр
учун аҳамияти» мавзусида ёзган
битирув малакавий иши**

Раҳбар: фалсафа фанлари номзоди,
доц. Юсупов Ш.Ю.

Гулистон – 2011

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3
Адабиётлар таҳлили.....	8
Танланган объектлар (қўйилган масала ва муаммолар) ва тадқиқот методлари.....	12
Асосий қисм боблари (олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси):	
1-боб. Мовароуннаҳр ва Хуросонда Амир Темур ва темурийлар даври маданиятининг равнақи.....	13
1.1. Амир Темур даври маданиятининг ўзига хос хусусиятлари.....	13
1.2. Мирзо Улуғбек даврида илм-фан равнақи.....	33
2-боб. Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳрда моддий-маънавий маданият равнақи ва уни ўрганишнинг аҳамияти.....	49
2.1. Темурийлар Ренессанси даврининг жаҳон маданияти ва санъати тарихидаги ўрни.....	49
2.2. Темур ва темурийлар даври маданиятини ўрганишнинг ҳозирги давр учун аҳамияти.....	62
Хулоса ва тавсиялар.....	70
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	78
Иловалар.....	82

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз тарихида, жумладан, маданият ва санъат тарихида ҳам Амир Темур ва темурийлар даври алоҳида ажралиб туради. Амир Темур ўзининг буюк ишлари, яратувчилиги, миллий давлатчиликни шакллантиришдаги, илм-фан ва маданиятни ривожлантиришдаги хизматлари билан мамлакатимизни, миллатимизни жаҳонга танитган тарихий шахсдир. Президентимиз таъбири билан айтганда: «Авваламбор шуни таъкидлашимиз керакки, Амир Темурдек тарихий шахсларни, саркарда ва соҳибқиронларни тарих тақозоси, шу замон талаблари, керак бўлса, замон эҳтиёжи ҳаётга олиб келади ва ул зотларнинг фазилят-хусусиятларини намоён қилишга замин яратади. Кимки, Амир Темур қадимий Туркистон заминида тасодифан пайдо бўлган деса, хато қилади. Нега деганда, ҳеч нарса тўсатдан пайдо бўлмайди, ҳамма нарсанинг ўз қонунияти бор»[43].

Соҳибқирон давлатчилик фалсафаси тарихида янги дунёқарашга асос солди ва уни амалга тадбиқ этди. Жаҳон маданияти ва цивилизациясида муносиб ўрин эгаллаган «Темур ва темурийлар даври маданияти» деб номланадиган алоҳида давр мавжудки, бу унинг кенг қамровли давлат арбоби, маданият, фан, адабиёт, тарих, санъат кабилар ривожланишига катта ҳисса қўшганлигидан далолат бериб турибди. «Амир Темур ва темурийлар даврини муболағасиз нафақат ўзбек халқининг, балки бутун Яқин ва Ўрта Шарф элларининг мусиқа санъатлари учун жадал раванқ топган, камолот чўққисига эришган, чинакам уйғониш даври бўлган, дейиш мумкин. Зеро, бу халқлар ягон давлатни ташкил этиб, ўзаро самарали маданий алоқалар ўрнатибгина қолмай, айти вақтда Осиё ва Европанинг энг йирик мамлакатлари билан ҳам маънавий боғланиш имкониятига эга бўлгандилар».

[9]

Мустақиллик буюк тарихимизни холисона ёритишга, ҳақиқатни борлигича очиб беришга замин яратди. Тарихда ўтган буюк шахслар ва улар яратган мислсиз ишлар асрлар оша авлоддан авлодга ўтиб бораверади. Амир Темур ва у яратган буюк давлат, унинг ворислари давридаги мислсиз ишлар биз юқорида айтиб ўтган ишларга мисол бўлади. Амир Темур лашкар тортиб борган мамлакатларнинг олимлари ва адиблари ҳам унинг фаолияти ва жаҳонгирлигига холисона ва адолатли баҳо бердилар. Жумладан, рус тарихчиси В.В.Бартольд шундай фикрларни ёзиб қолдирган: «Темур бир вақтнинг ўзида ашаддий бузғунчи ва ташаббускор қурувчи эди. У буюк иморатлар барпо этди ва уларни улкан боғу-бўстонлар билан ўради, шаҳар ва қишлоқларни тиклади, сув иншоотлари қурдирди ва бузилганларини тuzатди. Темурнинг ижодкорлик фаолияти ҳам унинг қилган вайронагарчилиги каби кишини ҳайратда қолдиради. Мусулмон меъморчилигидаги энг яхши давр Темур ва унинг авлодлари номи билан боғлиқ»[48], деб таъкидлаб, катта ва юксак баҳо берган.

Ғарбий Европанинг кўплаб олимлари ҳам Амир Темурга холислик билан баҳо берган, уни «Европа халоскори» деб баҳолаганлар. Француз олими Люсьен Кэрен «Темурланг ёхуд Темур ҳокон салтанати» асарида: «Бир томонда қаттиққўл Темур турса, иккинчи томонда илм аҳлини қўллаб, ҳимоясига олган Темур турган, бир томондан бутун бир шаҳарларни ишғол қилувчи Темур бўлса, иккинчи томондан обидалар, мадрасалар, анҳорлар қурувчиси ва боғлар барпо этувчи Темур туради. Бу мураккаб шахс муаррихлар учун ҳали ҳам жумбоқ бўлиб қолмоқа», деб ёзган [53]. Соҳибқирон Амир Темур 1370 йилда Моворауннаҳр ҳукмдори бўлиб тахтга ўтиргач Самарқанд, Кеш ва Қарши шаҳарларини тиклашга киришади. Соҳибқирон ўз ҳузурига ўша даврнинг машҳур ва моҳир меъморларини чақириб шаҳарлар ҳамда қўриладиган иншоотларнинг лойиҳаларини чизишни буюради. Меъморлар яратган лойиҳаларини Амир Темур ўзи ҳар томонлама ўрганиб чиқиб лозим бўлган ўзгаришларни киритади. Лойиҳалар

ҳар томонлама пишиқ, пухта бўлгач қурилиш ишлари бошланади. Шу тариқа Самарқанд, Кеш ва Қарши шаҳарлари бош режа асосида қурилган шаҳарлар ҳисобланади. Шаҳарларда қурилган ҳар бир иншоотнинг ўрни махсус танланган. Шамолнинг қайси томондан эсиши. Оқова сувнинг оқиб кетиши ва ичимлик сувининг қай тариқа киритилиши ҳар томонлама пухта ўйланган. Шаҳарларнинг ҳавоси мўътадил бўлиши учун уларнинг ичига ва ташқарисига сўлим боғлар барпо қилинган.

Биргина Самарқанднинг ичи ва атрофига Амир Темур томонидан 12 боғ-сарой бунёд қилинган эди. Шаҳарликларга қулай бўлиши учун кенг, равон кўчалар, майдонлар барпо этилган. Савдо-сотикни ривожлантириш учун расталар, томлар, бозолар, карвонсаройлар ҳамда ҳунармандлар учун устахоналар қурилган. Албатта, бу иншоотларсиз шарқ шаҳарларини тасаввур қилиш қийин. Булардан ташқари толибу илмлар учун мадрасалар, хонақоҳлар қурилган.

Амир Темур давридаги анъанага кўра ҳар бир амалдор малика ёки амирзода ўз маблағи эвазига шаҳарда масжид, хонақоҳ, карвонсарой, мадраса ёки кўприк қурдирган. Бу даврда шаҳарларнинг тозалигига катта эътибор берилган. Махсус тайинланган амалдорлар кўча ва бозорларнинг тозалигини ҳамиша назорат қилиб турган. Бир неча ўнлаб катта ёки кичик хаммомлар шаҳарларнинг хизматида бўлган. Тарихий манбаларда айтилишича, Соҳибқирон томонидан тайинланган мухтасиблар бозорлардаги нарх навони, тарози тошларини ҳамиша текшириб турганлар. Бу тадбирларнинг барчаси шаҳарликлар ҳаётининг фаровон бўлишига хизмат қилганлиги шубҳасиз.

Президентимиз И.Каримовнинг «Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз» деган ибораси ҳақ гап. Соҳибқироннинг жонбозлиги ва тадбиркорлиги билан қайта қурилган Самарқанд «Ер юзининг сайқали», Кеш, Шахрисабз эса «Илм ва адаб қуббаси» деган номларига сазовар бўлган.

Амир Темур даври маданиятини ўрганган айрим олимлар Соҳибқирон маҳобатли иншоотларини мақтаниш, ўз қудратини намоён қилиш учун

қурдирган деган фикрни айтгандилар. Уларнинг бу фикрларига қўшилиб бўлмайди. Амир Темур Самарқанд, Туркистон, Шахрисабз ва бошқа жойларда барпо қилинган кўркам иншоотларни ўз халқига фахр ва ғурур бериш учун бунёд этган. Чунки, ғурури баланд бўлмаган халқ бунёдкорлик ва ғолибона ишларга ярамаслигини соҳибқирон яхши англаган.

Шунингдек, жаҳон маданияти ва санъати тарихида Темурийлар Ренессанси даврига доимо юксак баҳо бериб келинмоқда. Ана шу Ренессанс – Уйғониш даврида Мирзо Улуғбек, Хуқайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод ва бошқа забардаст фан ва маданият алломаларимиз етишганки, улар Мовароуннаҳр ва хуросон равнақига ўзларининг катта улушларини қўшганлар. Хуллас, ҳозирги кунда Амир Темур ва Темурийлар даври маданияти, санъати, шаҳарсозлиги жаҳон меъморчилиги тарихида энг ёрқин саҳифа эканлигини ҳисобга олиб, бу давр маданиятини ўрганиш, халқимиз қудратини ёшлар онига етказиш долзарб мавзулардан ҳисобланади.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Амир Темур ва Темурийлар даври маданиятини ўрганишнинг ҳозирги давр учун аҳамиятига ҳар томонлама баҳо бериш мақсадида, қуйидаги вазифаларни ўз олдимизга қўйдик:

- Амир Темур ва Темурийлар даври бунёдкорлигига баҳо бериш;
- XIV-XV асрларда Мовароуннаҳрда моддий-маънавий маданият равнақини таҳлил қилиш;
- Амир Темур ва Темурийлар даврига оид исломий обидалар ҳақида тушунча бериш;
- Амир Темур ва Темурийлар даври санъати ва меъморчилигининг ўзига хос хусусиятларини тавсифлаб бериш;
- Мирзо Улуғбек даврида илм-фан равнақини таҳлил қилиш;
- маънавият асослари, Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи, Ўзбекистон тарихи дарсларида мавзунини ёритиш ва мустаҳкамлашда

интерфол усуллар, педагогик ва ахборот-коммуникатив технологиялардан фойдаланишнинг аҳамиятини тушунтириш.

Ишнинг янгилиги ва эришилган натижалар. Юқорида айтганимиздек, Амир Темур ва Темурийлар даври маданиятини ўрганишнинг ҳозирги давр учун аҳамияти бугунги кунга келиб умумлаштирилган ҳолда махсус ўрганилмаган. Биз ўз ишимизда ҳам Амир Темур даври, ҳам Темурийлар даври маданияти ва санъатини холисона баҳолашга, улар ҳақида маълумот беришга ҳаракат қилдик. Айниқса, меъморчиликда қўлланилган услублар ҳақидаги маълумотлар, меъморлар, хунармандларнинг усталиги, маҳоратини акс эттирганимиз муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, мавзунини ўрганиш бобида тавсиялар ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик.

Ишнинг амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишимизда келтирилган маълумотлардан «Маънавият асослари», «Маданиятшунослик», «Ўзбекистон тарихи», «Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи» фанларидан реферат, курс ишлари, маърузалар ёзишда, семинарларга тайёргарлик кўришда, мустақил ишларни бажаришда фойдаланиш мумкин. Амир Темур, Бобур, Мирзо Улуғбек юбилейларига бағишлаб ўтказиладиган маънавий тадбирларда ҳам қўллаш тавсия этилади.

Ишнинг тузилиши. Битирув малакавий иш Кириш,, адабиётлар таҳлили, танланган объектлар ва тадқиқотлар методлари, асосий қисм боблари, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Амир Темур ва Темурийлар даври тарихи мустақиллигимиз шарофати билан бир қатор муаллифлар томонидан ёритилган бўлиб, уларнинг асарларида асосан бу даврнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёти ҳақида гап кетади. Маданият ҳақида умумий маълумотлар ва қисқача тавсиф берилади. Масалан, академик И.Мўминовнинг “Амир Темурнинг Осиё тарихида тутган ўрни ва роли” номли машҳур рисоласида [27], “Амир Темур ва Темурийлар даврида маданият ва санъат” номли ўқув қўлланмасида [9], «Маданиятшунослик» фанидан маърузалар матнида [17], Ш.Каримов ва Р.Шамсутдиновларнинг «Соҳибқирон Амир Темур ва унинг салтанати» [25] қўлланмасида, А.Муҳаммаджоновнинг “Темур ва темурийлар салтанати” номли монографиясида [26] ва бошқа қатор адабиётларда Амир Темур ва темурийлар даври тарихи ёритилиши билан бир қаторда маданий ҳаётдги ютуқлар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади. Амир Темур ва Темурийлар даври меъморчилиги Г.Пугаченкова, Л.Ремпель, П.Зоҳидов, Б.Я.Туякбаева, М.А.Булатов ва бошқаларлар томонидан махсус ўрганилган бўлиб, санъатшунослик нуқтаи назаридан юксак баҳо берилган [28,29,30,20, 33,15]. Албатта, бу давр меъморчилиги ҳозирги кун олимлари нигоҳида юксак баҳоларни олмоқда. Буни бир қатор муаллифларнинг Амир Темур ва Темурийлар қурдирган биноларга берган тавсифларидан ҳам кўришимиз мумкин [10, 11, 19, 26].

Темурийлар даври маданияти масалалари бир қатор илмий мақолаларда ҳам ўз аксини топган. Буларни совет ва мустақиллик даврига оид мақолаларга ажратиш мумкин. Жумладан, П.Зоҳидов, М.Е.Массон ва Г.А.Пугаченкова, К.А.Шишкин [38, 40, 41, 42, 44, 45] ларнинг мақолалари собиқ совет тузуми йилларида ёзилган бўлса, мустақиллик йилларида ҳам бир қатор мақолалар чоп этилган [39, 43, 46, 47, 48].

Энди тарихий мабаларга тўхталсак мақсадга мувофиқ бўларди.

Амир Темур даврига оид манбалардан бири Низомиддин Шомий (1409 йилда вафот этган) қаламига мансуб “Зафарнома” асаридир. У Амир Темурнинг топшириғига асосан 1402–1404 йилларда ёзилган. Низомиддин Шомий Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келишидан то 1404 йилга қадар кечган тарихий воқеаларни содда ва раво тилда ёзган. Бу китобга 1404 – 1405 йиллардаги воқеалар - Амир Темурнинг вафотига қадар бўлган давр тарихи Ҳофиз Абду томонидан қўшимча илова сифатида киритилган ва у тугалланган мазмун касб этган.

Амир Темур даври тарихини ўрганишда Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг “Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура” асари катта аҳамият касб этади [19]. Клавихо ўз даврининг қудратли давлати саналган Испаниянинг элчиси сифатида 1403–1406 йилларда Мовароуннаҳрга келган. Клавихо ўз элчилиги давомида Мовароуннаҳрда кўрган-билганлари, унга кўрсатилган юксак эҳтиром ва бошқа тасуротлари ҳақида маълумотлар қолдирган. “Кундалик” Амир Темур давлатининг куч-қудрати, ички ва ташқи сиёсати, расмий маросимлар, оилавий муносабатлари, илм-фан тараққиёти, урф-одатлар, меъморчилик ва бошқа миллий анъаналар ҳақида бизга кўплаб қимматли маълумотларни беради.

Амир Темур даврига оид яна бир машҳур манба Шарафиддин Али Яздий (1454 йилда вафот этган) қаламига мансуб “Зафарнома” ҳисобланади [34]. Бу асар қаҳрамонлик, юксак оптимистик руҳда ёзилган. Шарафиддин Али Яздийнинг бу асарида Амир Темур таваллуд топган даврдан то Халил Султон давригача юз берган тарихий воқеалар ёритилган. Унда аҳамиятга молик баъзи тўлдириш ва қўшимчалар мавжуд. Бу асар форс ҳокими темурийзода Иброҳим Султон раҳбарлиги ва топшириғи асосида 1425 йилда ёзилган. Иброҳим Султон бу асарнинг ҳаққоний ва ишончли чиқишида унга жуда катта ёрдам берган. Шунинг учун Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”си манбалар орасидаги энг ишонарли ва ҳаққонийси ҳисобланади.

Ибн Арабшоҳ-Шихобиддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим (1389 - 1450)нинг “Ажойиб ал-мақдур фи ахбори ат-Таймур” (“Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари”) ёки қисқача “Амир Темур тарихи” [22] асари Амир Темур даврига оид муҳим манбалардан бири ҳисобланади. 1401 йилда Амир Темур Дамашқни забт этган вақтда Ибн Арабшоҳ 12 ёшда эди. У 1401 йилда асир сифатида Самарқандга келтирилган, бу ерда 1408 йилгача яшаган ва ўз ватанига қайтгач, 1419 йилда Амир Темур даври тарихини ёзиб қолдирган. Бу асар Амир Темурга нисбатан салбий ва душманлик муносабатида, манба ва далилларга кам асосланиб, ўзининг ички субъектив тассурот ва муносабатлари асносида ёзилган бўлса ҳам ундаги баъзи маълумотлар салтанат тарихини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади.

Амир Темур даври давлатчилик тарихига оид яна бир энг муҳим асар “Темур тузуклари”дир [32]. Асл нусхасининг топилмаганлиги учун унинг ёзилиш даври санаси олимлар томонидан аниқланмаган бўлса-да, аммо унда тавсифланган тарихий жараёнлар, воқеаларнинг аксарияти Амир Темур даврида ёзилган бошқа маълумотлар билан мос келади, унда мавжуд баъзи қимматли далил ва воқеалар бошқа манбаларда учрамайди. “Тузуклар” ўзининг сиёсий-фалсафий, маънавий-ахлоқий мазмунининг бойлиги билан машҳур бўлган ва турли даврларда кўплаб тилларга таржима қилинган, давлат бошқарувида ундаги ғоялардан фойдаланилган. “Тузуклар” Амир Темур давлатчилик тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади ва унинг мазмун-моҳиятини алоҳида мавзуларда очиб бериш долзарб масаладир.

Шаҳобиддин Абдуллоҳ ибн Лутфуллоҳ ибн Абдурашид ал-Ҳавофий – Ҳофиз Абрӯ (1431 йилда вафот этган) ҳам Амир Темур даврининг забардаст тарихнависларидан бири ҳисобланади. У “Мажмуъаи Ҳофиз Абрӯ”, “Зубдат ут-тавориҳи Бойсунғурий” (“Бойсунғур Мирзонинг сараланган тарихи”) каби бир неча асарлар муаллифидир. “Зубдат ут-тавориҳи Бойсунғурий” асарида оламнинг яралишидан то 1426 йилгача бўлган тарихий воқеалар ёзилган.

Ҳофизи Абру ўз даври тарихий воқеаларини шоҳид сифатида таҳлил этади ва унинг маълумотлари ҳам миллий давлатчилик тарихимизни ўрганишда муҳим ўрин тутди.

Амир Темур даври тарихнависларидан бири Фасиҳ Аҳмад ибн Жалолиддин Муҳаммад ал-Ҳавофийдир. Унинг “Мужмали Фасиҳий” (“Фасиҳий тўплами”) номли асари 1441–1442 йилларда ёзилган. Бунда тарихий воқеалар қисқа ва лўнда йилма-йил, даврий кетма-кетликда берилган ва у ортиқча муболаға, мақтов ва субъектив ҳиссиётлардан ҳоли асар ҳисобланади. У Амир Темур давридаги тарихий воқеаларга аниқликлар киритишда катта аҳамият касб этади.

Амир Темур даврида бўлиб ўтган воқеаларни ёзган тарихчилардан бири Камолиддин Абдурраззоқ ибн Мавлон Жалолиддин Исҳоқ ас-Самарқандий (1413–1483) бўлиб, “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” (“Икки саодатли юлдузнинг чиқиш ва икки денгизнинг қўшилиш жойи”) асари унинг томонидан 1470 йилда ёзилган. Унда Амир Темур, Шохруҳ Мирзо, Улуғбек ва бошқа темурий ҳукмдорларнинг ички ва ташқи сиёсати, иқтисодий, маънавий ҳаётига оид қимматли маълумотлар учрайди.

«Раузат ус-сафо» («Мусаффолик боғи») номли асар муаллифи машҳур тарихчи Мирхонд (1433-1498) ва унинг набираси Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамирнинг (1475–1535) “Ҳабиб-ус-сияр фи ахбор ва афроз ул-башар» (“Инсон хабарлари ва фарзларида дўстнинг таржимаи ҳоли”) ва бошқа асарлари ҳам Амир Темур даври манбашунослигида алоҳида ўрин тутди. Бу асар 1524 йилда ёзиб тамомланган бўлса ҳам қўшимчалар киритилиши натижасида у 1529 йилда охирига етказилган.

Амир Темур ва темурийлар даврида Давлатшоҳ Самарқандий (1435-1495), Заҳриддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) каби кўплаб давлат арбоблари, сайёҳ тарихнависларнинг асарлари яратилган бўлиб, уларни барчасига батафсил тўхталиш имконияти бўлмаса-да, иш ёзиш жараёнида улар блан танишиб чиқилди.

Таҳлиллар натижасида Амир Темур тарихига тегишли манбаларда ўхшаш маълумотлар учрагани билан, улар бир-биридан даврида, сифатида, ёзилиш услуби, далил – маълумотларнинг бойлиги ва бошқа жиҳатларида фарқлар мавжудлиги сезилади. Уларнинг барчаси ҳам ўзига хослиги ва қиммати билан ажралиб туради.

Темур ва Темурийлар даври маданияти тарихи оид маълумотлар бир қатор интернет сайтларида ҳам учрайди. [49-55].

Танланган объектлар ва тадқиқот методлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг тарих фани олдида турган долзарб масалалар тўғрисидаги фикрлари ва Амир Темур ҳақидаги асарлари илмий ишнинг услубий асосини белгилашда омил бўлиб хизмат қилди.

Шунингдек, БМИ ёзишда фаннинг илмийлик, холислик, танқидий ва қиёсий таҳлил усуллари таянилади, узвийлик, давомийлик тамойилларига амал қилинди ҳамда бугунги кунда дунё олимлари томонидан эътироф этилаётган цивилизация услубга ҳам таянилади.

1-БОБ. МОВАРОУННАҲР ВА ХУРОСОНДА АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАДАНИЯТИНИНГ РАВНАҚИ

1.1.Амир Темур даври маданиятининг ўзига хос хусусиятлари

Маълумки, Амир Темур ўз сиёсатини мамлакатда марказлашган кучли мустақил жамият ўрнатиш, ҳар бир ишда қонун ва тартиб жорий қилиш, юртда осойишталикни жонлантириш, хунармандчилик, савдони ривожлантириш, ислом ақидаларига риоя қилишдан бошлади. Темурнинг амалий-ижтимоий фаолияти унинг аввал ўтган подшоҳларга нисбатан қандай ижобий янгиликларни амалга оширганлигига қараб баҳоланиши зарур. Ана шу нуқтаи назардан айтишимиз мумкинки, Амир Темур ва темурийларнинг фаолияти, шубҳасиз илму-фан тараққиёти ва маънавияти билан суғорилгандир.

Амир Темур ўз замонасининг қандай буюк жаҳонгири бўлса, шундай улкан илму-фан бунёдкори, маданият ривожининг буюк йўлбошчиси ҳам эди. Муҳими шундаки, у ўзининг кенг бунёдкорлик илму-фан ва маъмурчилик ишларини нафақат она Ватани - Туронда, балки ундан узоқ бўлган ўзга юртларда ҳам муваффақиятли олиб борди. У бузилган ва талофатга юз тутган Боғдод шаҳрини қайта тиклаш ва обод этиш, Қобул водийси ва Муғон шаҳрини қайта тиклаш ва обод этиш, Қобул водийси ва Муғон чўлларига сув чиқариш, Озарбайжондаги Дарбанд қалъаси ва Бойлакон шаҳарларини қайта тиклаш, янги жамоа биноларини қуриш, Озарбайжоннинг Арс даресидан чулга канал қазиб сув чиқариш (узунлиги 60-70 км). Хуросон худудига Балх шаҳрини қайта тиклаш ва обод этиш. Хитой чегараларида жойлашган узоқ Ампара шаҳри ва Бош Хумра қалъасини маъмур этиш каби улкан бунёдкорлик, таъмир ва ободончилик ишларини амалга оширди. Ҳозирча мавжуд Исфaxonдаги катта кўприкни қурдирди. Темурнинг нигоҳи меҳри тушган, таъмир ва маъмурчиликка

мухтож бўлган ерлар хоҳ Туркистонда бўлсин, хоҳ ўзга юртларда Темур химмати ва эътиборидан четда қолмади. Оддий халқ тили билан айтганда, Амир Темур ўз ҳаёти давомида «минг бир» хайрли ва мўътабар ишларга қўл урдики, уларни қойилмақом қилиб уддалади. У нафақат давлатчилик салоҳиятни, ижтимоий адолатни, балки маънавий маданиятни, диний ҳақиқатни ҳам ривожлантириб уни мустаҳкамлади.

Ислом шарқи дунёсида эл-юрт фаровонлиги, мамлакат ободончилиги ва осойишталиги учун бунёдкорлик соҳасида фидойилик кўрсатган алломалар оз эмас. Бироқ, бу борада Амир Темур ва темурийларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга моликдир. Ватан ва миллатнинг фаҳри учун бутун халқ кучини эзгу ишларга йўллашда маънавий маданиятни, илму-фанни ривожлантиришда темурийларга Амир Темурнинг ўзи бош бўлган эди. Соҳибқирон ўзининг барча ишларига мусулмончилик деб аталмиш буюк бир ахлоқ-одоб ва қадрият байроғини баланд кўтаришга ҳаракат қилди ва бунга эришди ҳам. Ҳазрат Амир Темурнинг ислом оламида ҳар юз йилда бир маротаба бериладиган «Қутбиддин» унвонига сазовор булишлиги ҳам бежиздан эмас эди. Амир Темур ислом таълимоти ва тасаввуф анъаналарига тамоман мос келувчи ҳайрия бинолари ва иншоотларини илму-фан марказларини, маданият масканларини қуришни давлат томонидан амалга оширилиши шарт бўлган ишлар қаторига киритиб, уларни ўзи амал қилган ижтимоий адолатнинг, сиёсий қудратнинг, диний ҳақиқатнинг муҳим тамойилларидан бири деб билар эди.

Темур даврида Марказий Осиёда шаҳарсозлик, меъморчилик, санъати, дину-ислом, маданият ва илму-маърифат тенгсиз ривож топди. Ўрта Осиё шаҳарсозлигида бино ва иншоотларни қуришда янгича ансамбль услуби, янгидан-янги жамоа бинолари, усти берк савдо расталари, махсус бозорлар вужудга келди, илму-фан марказлари ташкил топди [12, 36-б.].

Меъморчилик санъатининг ривожланиши янги поғонага кўтарилди. Пештоқ ва гумбазлар биноларга маҳобат баҳш этувчи асосий шаклларга

айлантирилди. Бино шакллари ва қисмларини бир-бирига ҳамоҳанг ва уйғун, миқёсий улчовларда шакллантириш авж олдирилди. Бу эса, ўз навбатида, бино қисмлари улчовларини мутаносиб нисбатларда бўлишлигини, бино тарзини эса меъморий жиҳатдан шаклан мукамал ва гўзал чиқишини таъминлади. Муҳандислик санъатидаги ютуқлар ҳам меъморчиликнинг янада равнақ топишига яқиндан ёрдам берди. Темур даврида яратилган ўзаро кесишувчи равоқ ғиштли қурилмалар кенг хоналарнинг томларини ёпишда, уларнинг ички ва ташқи кўринишларини маҳобатли қилиб ишлашда қўлланилди. Меъморчиликка тадбиқ этилган ҳаттотлик санъатининг ривож топиши эса бино ва иншоотларнинг янада мукамал ва сержило яратилишини ташкил этди. Нақшинкорликда гирих, ислимий ва хуснихат безакларидан ташқари муқарнас ва кундал услуби кенг қўлланилди. Бинолар яқиндан ва узоқдан кўришга мўлжалланган нақшлар, ёзувлар билан безатилди. Тасвирий санъатда китоб нафис наққошлиги (миниатюра) билан бир қаторда илгарилари (XI-XIII) асрларда) дин пешволари тазйиқи остида амалдан қолган маҳобатли деворий (монументал) ранг-тасвир санъати шохона сарой ва қушқ ҳашаматларидан янгитдан ривож топиб қўлланила бошланди [10, 7-8 б.].

Бу ҳолатлар Амир Темурнинг бунёдкорлик фаолиятида нафақат меъморчилик, қурилиш санъати, балки илму-фаннинг ҳамма соҳасини ривожлантиришнинг сардори, йўлбошчиси бўлди. Ўзи эса илму-фаннинг йирик билимдони сифатида ўзгаларга наъмуна бўлиб давлат сиёсати ислом ҳақиқати билан уйғунлаштириб олиб борди. Унинг ашаддий рақиби ибн Арабшоҳ: «Темур подшоҳлар ва халқлар сийратларида билимдон, Шарқу-Ғарб тарихининг отаси ва онаси эди» - деб бежиз тан олмаган эди.

Ғарб епископи монах Иоанн Гринло Темур хақида ёзиб, унинг турк, форс ва араб тилларида бемалол сўзлаша олганлигини, илму-фандан билимдон эканлигини таъкидлайди. «Илму Қуръон ва илму фикҳда

шунчалик забардаст эдики, - деб хабар беради у Темур ҳақида, - ҳар қанақа мусулмон олими у билан бу мавзуда беллаша олмаган»[25, 56-б.].

Султония епископи монах Иоанн Гринло ўзининг Амир Темур ҳақидаги хотираларида: «Темурбекнинг бунёд этган қасрлари икки юздан зиёд эди: Самарқандда ўн саккиз, Кеш шаҳрида йигирма, Боғдодда ўн беш, Исфажонда ўн икки, Шерозда етти қасри бор эди», - деб ёзади. Иоанн Гринло ушбу қасрларнинг айнан қандай иморатлар эканлигини ёзмасада, уларнинг сонини келтиргани Соҳибқироннинг бунёдкорлик ишларига жуда катта эътиборни қаратганлигидан далолат беради [25, 57-58 б.].

Айниқса унинг ўзга юртларда бунёд этган бино ва иншоотлари Темур маънавиятидаги янги қирраларни очиб беришга ҳизмат қилади. Ўнлаб шаҳарлар ва боғ-саройлар, масжиду-мадрасалар, савдо ва тижорат иншоотлари, касалхоналару лангархоналар, хонакоҳлар, ҳаммомлар, кўприклар, каналлару бўғонлар Буюк Ипак йули бўйлаб бино этилган сон-саноксиз работу-карвонсаройлар, сардобалар Амир Темур бунёдкорлик фаолиятининг кўп қирралари ва ранг-баранглигидан далолат беради.

Бир сўз билан айтганда Амир Темур даврида Туркистон ва Хуросонда амалга оширилган кенг бунёдкорлик ишларида ўзига хос «Темур услуби» яратилган эди. Кейинчалик темурийлар бу услубни ривожлантириб давом эттирдилар ва Шимолий Хиндистонда Бобур Мирзо ва бобурийлар ҳукмронлиги даврида ҳам бу услуб ўзининг сезиларли таъсирини кўрсата олди.

Темур даври маданий-маънавий ҳаёти билан боғлиқ масалалар орасида ушбу даврдаги маҳобатли, яъни монументал деворий тасвирий санъат ривожини масаласи ўзига хос тадқиқотга муҳтождир. Марказий Осиё маданиятига қадимдан хос бўлган, бироқ Ислом тазйиқи остида X-XIII асрларда амалдан қолган монументал тасвирий санъатнинг деворий услуби айнан Амир Темур ва темурийлар даврида янгидан жонланди, ривож топди. Нега? Тирик жонзотларни тасвирлаш, йирик ўлчамдаги деворлардаги

рангтасвирларда ифодалаш ислому шариат талабларига тамоман қарши эди-ку! Нега темурийлар бунга амал қилмади? Бу каби саволларга жавоб бериш темурийлар даври тасвирий санъати турли қирраларда тадқиқ қилишни, бу даврда ислом ва тасвирий санъат муносабатларини ўрганишни тақозо этади.

Темур илму-фан ривожига раҳнамолик қилган, ўзи эса тарих, жуғрофия, тиб илмларини яхши билган, адабиёт ва шахматни севган. У уламо ва шоирларни беҳад ҳурмат қилган, эъзозлаган. Сабаби унинг ўзи ҳам ўз даврининг олими ва донишманди бўлган. Унинг муғолибларидан бири Ибн Арабшоҳ Темурни «Шарқу Ғарб тарихининг отаси ва онаси эди», деганда тўғри баҳо бериб, муболаға қилмаган эди. Темурнинг қадами қаерга етган бўлмасин, у ўша ердаги олиму уламолар, шоирлар, санъаткорлар, меъморлар, хунармандлар, касбкорларни йиғиб суҳбат айлаган, уларга топшириқлар ва вазифалар берган, осойишта ижод, бунёдкорлик билан шуғулланишга имконият яратиб берган, моддий ёрдам бериб хомийлик қилган. Чунончи, у Дамашқда ислом уламоларини йиғиб, Қуръон ҳақида катта мунозара ўтказди. Озарбайжоннинг Бойлақон шаҳрида ҳам олимлар билан кенгаш ўтказиб, улар олдига катта вазифалар кўяди. Румнинг Басра шаҳридаги энг катта кутубхонадаги нодир китобларини Самарқандга келтириб бу ердаги китоблар билан кўшиб Кўксаройда улкан билим маскани - кутубхона ташкил этади. Бу кутубхона хазинасидан минглаб кишилар баҳраманд бўлган, етук олимлар етишиб чиққан. Фаҳмлаш мумкинки, Темурнинг кутубхонаси ўз даврида ер юзидаги улкан ва энг бой кутубхоналардан бири бўлган. Негаки пойтахт Самарқандга нафақат китоблар, балки Темур салтанати ҳудудидаги энг нуфузли олимлар ҳам йиғилган эдилар. Темурнинг бевосита ғамхурлигида юзлаб олимлар илму-фанда ижод қилганлар. Улар қаторида Саъуддин ат-Тафтазоний, Мавлоно Аҳмад, Сайид Шариф Журжоний, Шамсиддин Муҳаммад ибн ал-Жазарий, Хожа Муҳаммад ал-Бухорий, Хожа Абдулмалик Самарқандий, Тожиддин ас-Салмоний, Мавлоно Убайд, Мавлоно Абдужаббор, Аҳмад Кирмоний,

Хофизу Абру, Гиёсиддин Али, Низомиддин Шомий, Хофиз Шерозий, Камол Хужандий ва бошқалар эди [14, 11-12 б.].

Умуман олганда Амир Темур салтанатида замонасининг таниқли алломалари ҳисобланган дунёвий фанларнинг ҳамма тармоқлари бўйича илмий-тадқиқотлари олиб борган қарийиб 100 дан ортиқ олимлар, Ислом тасаввуфчилиги соҳасида ҳам Шарқда номи машҳур бўлган ўнлаб авлиёю-пирлар илоҳият йўлида самарали ибодатда бўлганлар. Самарқанд ўша даврда ана шундай буюк зотларнинг ижод марказига айланган эди. Бу иборани ўша даврнинг гувоҳи бўлган Ибн Арабшоҳ шундай таърифлайди: «Темур ҳар бир жонни (олиму-уламоларни...) йиғиб, нимаики нарса бўлса сарасини Самарқандга келтирди. Натижада, Самарқандда ҳар бир ажиб фан аҳли намоёндасидан ва санъатлар ғаройиб услубидан фазилати пешонасида нишона бўлиб, ўз тенгқурларидан устун турган ўз соҳасида аллома кишилар йиғилган эди». [22, 1 китоби, 87-б.]. У давом этиб: «Дарҳақиқат Самарқанд фозиллар жам бўлган ва фазилат аҳлининг келиб қунадиган жойи эрди» [22, 1 китоби, 309-б.].

Ушбу олимлар Темур ташкил этган Кўксарой кутубхонасида ишлаш ва фойдаланиш ҳуқуқига эга эдилар. Ҳар бир олимнинг ўрни ва вазифаси аниқ эди.

Улар илму-фаннинг турли соҳаларида илмий изланишлар олиб бориб, Турони-замин илму-фан, маданиятини жаҳон цивилизацияси даражасига кўтариб, Самарқандда ўзига хос илмий марказни ташкил этиб, невараси Улуғбек даврида фаннинг кенг тараққий этишига, илмий лаборатория ва Самарқанд фанлар академиясининг вужудга келишига асос солган эди.

Темур даврига келиб Самарқанд олимлар масканига айланиши билан мадрасаларнинг вазифалари ҳам кенгая бориб, улар юқори савияси илм-фан муассасаларига айлана борди.

Ушбу олимларнинг кўпчилиги, айти пайтда, Темур даврида ва Темурдан олдин барпо этилган ва обод холга келтирилган Самарқанд

мадрасаларида талабаларга таълим берар эдилар. Уларда энди диний кадриятлардан ташқари давлат хизматчилари ва иқтидорли ёш олимлар ҳам тайёрлана бошланди. Ўша даврда Дамашкдан келтирилган ёш толиби илм Ибн Арабшохнинг Самарқанддаги Идику Темур мадрасасида тахсил олиб таниқли тарихчи олим бўлиб етишганлиги фикримизнинг далилидир.

Ундан ташқари Амир Темурнинг бевосита устозлигида Темурийлардан ташқари қарийиб 80-дан ортиқ машхур давлат арбоблари, талантли саркардалар, икки таълимотда ҳам билимга эга бўлган йирик сиёсатчилар етишиб чиқади. Жумладан, Тожуддин ас-Салмоний, Маъсуд ас-Симноний, Муҳаммад ас-Соғиржий, Аҳмад ас-Тусий, Мавлоно Қутбиддин, Хожа Абдумалик, Мавлоно Убайд, Фазлуллоҳ Мавлоно, Жамолиддин, Муҳаммад Ковчин, амир Хамза, Махмуд Шохоб Хуросоний, Насриддин Махмуд, Амир Шох Малик, Амир Жоку, Сайфитдин Борлос, Амир Сулаймоншоҳ, Амир Абу Сайид, Амир Усмон Аббос, Амир Сарик Атко, Амир Жалолитдин кабилар шулар жумласидандир.

Темур даврида қурилган ва обод этилиб фаолияти ижобий йўлга қўйилган мадрасалар масаласига келсак фақат биргина Самарқанднинг ўзида уларнинг сони унга яқин эди. Темурнинг суюкли набираси Муҳаммад Султон мадрасаси, Бибихоним мадрасаси, Ферузшоҳ мадрасаси, Идику Темур мадрасаси, Амир Шохмалик мадрасаси, Қутбиддин Садр мадрасаси ва бошқалар шулар жумласидан эди.

Бундан ташқари, Шаҳрисабзда, Бухорода, Хиротда илм-фан ахллари, кўплаб адиблар, шоиру-бастакорлар, мусаввирлар, меъмору муҳандислар, бинокор наққошлар, моҳир хунармандлар ижод билан банд эдилар. Бу даврда Темурнинг ота юрти Шаҳрисабз эса ўзи ўқиган мадраса қайта таъмирланиб, кенгайтирилиб, илмий тарбия марказига, яъни «Адаб илмининг гумбази»га айланган эди. Ундаги Темур бунёд этган «Дор ут-тиловат»да нафақат адаб илми, балки диний ва дунёвий билимлар ҳам ўрганилар эди. Хиротда эса Шохрух Мирзо ҳам Темурнинг илм-фан ва маърифат

соҳасидаги саъй-ҳаракатларини олиб бутун Хуросондаги энг катта кутубхонани ташкил этади. Темур салтанатининг ҳар иккала улкан кутубхонасида нафақат араб ва турк тилларида, балки форс, лотин ва юнон тилларидаги энг нодир асарлар тўпланган эдики, бу асарлардан фойдаланиб ишлаган олимлар кейинчалик Самарқандда Мирзо Улуғбек шакллантирган улкан илмий академиянинг аъзолари бўлиб, илму фаолиятлари билан жаҳонга танилган йирик ва машҳур олимлар бўлиб етишади.

Хиротда эса ана шу саъй-ҳаракатларнинг давоми ва Хирот кутубхонасининг таркибий қисми тарзида пировардда Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий даврида Камолиддин Беҳзод раҳбарлик қилган «Санъат академияси» – «Нигористон» вужудга келган эди.

Юқорида келтирилган далил ва мулоҳазаларга асосланиб Темурнинг хаётда амал қилган тартиб эътиқодларидан бири, бу – китоб битиклар кутубхонасини ташкил этиш эди. Чунки узоқ Бурса шаҳридан Самарқандга яхлит бир кутубхонани кучириб келиш фақат Темур маънавиятига хос тафаккур эди. Темурнинг фикрича, «китоб барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асоси, хаётни ўрнатувчи мураббийдир». Гарчи бу сатрлар Темур номидан халқ тилида айтилган ривоятларда келтирилган бўлса-да, у Темур маънавиятига тамоман мос келади. Чунки унинг уғитларида «ёзилган нарса авлодлар хотирасида қоладиган ишлардан ҳам узоқроқ яшайди», деган ҳикматли сатрлар мавжуд [8, 59-б.].

Амир Темурнинг илм-маърифатга қаратган катта эътиборини унинг «Тузуқлари»да ҳам куриш мумкин. Унда, жумладан шундай сатрларни ўқиймиз: «Мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалар ва Ислом дини илмларидан дарс берсинлар деб, ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим... Яна амр қилдимки, ҳар бир шаҳарда масжид ва мадрасалар бино қилсинлар, касаллар учун шифохоналар курсинлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласинлар»[32].

Дарҳақиқат, Амир Темур замонасида уламо ва мударрисларга катта моддий ёрдам кўрсатилиб илгаригидан ҳам ортиқроқ маош ва иш ҳақи олиб мударрислик қилар эдилар.

Улар эса давлат ва унинг бошлиғи томонидан олиму-уламоларга қилган салоҳиятни моддий ва маънавий ёрдами туфайли ўша даврларда яратилган илму-фан натижалари ҳозирги кунда, келажакда ҳам ўз қийматини йўқотмайди. Жумладан, ҳозирги кунда Самарқандда Амир Темур саройида хизмат қилган олимлардан бири Муҳаммад Ибн Умар Саъиддин ат-Тафтазонийнинг илму-ҳисоб, ҳандаса ва мантиққа доир бир неча рисоласининг қадимги қўлёзма нусхалари мавжуд. Шулардан бири туғри чизиқларнинг паралеллигига бағишланади. Унда Тафтазоний Евклиднинг машҳур 5-постулатини исбот қилишга ҳаракат қилади ва бунда икки тўғри чизиқни учинчи тўғри чизиқ кесганда ҳосил булувчи бир томонли ички ташқи бурчак йиғиндисининг икки тўғри бурчакка тенг бўлиши зарур эканини кўрсатади. Шу жараёнда у бурчакларнинг бошқа бир қатор хоссаларини ҳам исбот қилади. Уларнинг татбиқи сифатида икки масаланинг ечимини ҳам келтиради.

Амир Темурнинг илму-фан, маънавий-маданияти ҳақида фикр юритар эканмиз Соҳибқироннинг ўзи ҳам фан билан шуғулланган, тарихни севган, тарих ҳақида китоблар ёзган. Унинг «Манзумои Турк», «Тузуқлари» шулар жумласидандир. Юқорида таъкидлаганимиздек жаҳон халқлари тарихини яхши билган, ўз фаолияти тўғрисида сиёсий хулосалар чиқарган. Шу билан бир қаторда Амир Темур табобат илмининг ривожига катта шароит яратиб беради ва халқ медицинасини, табобат илмий марказлари, биноларини вужудга келтиради.

Темурнинг алоҳида бино тарзида шифохона қурдирганлиги ҳақида адабиётларда маълумот йўқ. Бироқ бизга Амир Темур даврида Самарқанддаги Арк-қалъада дор уш-шифо, яъни шифохона хизмати ташкил этилганлиги маълум. Замонасининг улуғ уламоларидан бўлмиш Мир Сайид

Шариф Журжоний (1330-1414) аввал Шерозда мударрислик қилиб, 1387 йилда Амир Темурнинг таклифи билан Самарқандга келиб ушбу дор уш-шифода ўз фаолиятини давом эттирганлиги хақида маълумотлар мавжуд.

Темур «Тузуклари»га амал қилиб касаллар учун шифохоналар қурган темурийлар хақида гапирадиган бўлсак, унда Хуросон ҳукмдори Султон Шохрух Мирзонинг хотини Милкат оға (у олдин Умаршайх Мирзонинг хотини бўлиб, 1394 йилда у ўлгандан кейин Темур идорасига бўйсуниб, Шохрух Мирзо олади, у киши Хирот шаҳрида дор уш-шифо куради) ҳамда Шохрух Мирзонинг набираси Мирзо Алоуддавлатни (у ҳам Хиротда шифохона қурган) ва Ҳусайн Бойқарони (Хирот яқинидаги Герируд тоғидан чиққан шифобахш иссиқ сувга шифохона қурдиради) кўрсатиб ўтиш мумкин.

Хуллас, Амир Темурнинг нафақат диний илмлар, балки дунёвий илмлар ҳамда табобат илмини ривож топтиришда ҳам ҳизматлари катта бўлган.

Темурийлар даврида илм-маърифат фақат Улуғбек давридан бошлаб ривож топган, деб тушунилар эди. Юқорида келтирилган маълумотлардан аён бўлдики, Темур невараси Улуғбекка қадар ҳам ўз салтанатида илм-маърифат тараққиётига алоҳида эътибор берган ва шундай хулоса қилиш мумкинки, Улуғбек академиясидек улкан илм масканининг пойдеворига ҳам аслида Темурнинг ўзи асос солиб кетган эди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Буюк Соҳибқирон нафақат йирик давлат арбоби, марказлашган йирик Турон давлати ва миллий ўзбек давлатчилигининг асосчиси, машҳур харбий саркарда, илму-фан, маданият хомийси, балки орасталик, гўзаллик, ландшафт-маданиятининг ҳам такрорланмас ижодкори-раҳнамосидир. Амир Темурнинг асосий мақсади Марказий Осиё халқларини нафақат чингизийлар зулмидан озод этиш, мустақилликни қўлга киритиш, қудратли давлатни ташкил этиш, халқни бирлаштириш билан чекланиб қолмасдан хорижий босқинчилар зулми ва ваҳшиёна сиёсати оқибатида вайрон бўлган ва харобага айланган шаҳарлар,

кишлоқлар, меъморий-тарихий обидалар, йўл-у, кўприклар, маънавий-маданий маконлар, масчиту-мадрасаларни қайта тиклашдан иборат эди.

Амир Темур ўз «Тузуклари»да: Салтанатим ишларини қонун-қоида ва интизомга солиб, салтанатим мартабасига зебу-зийнат бердим», «...Хамиша мамлакат тўқинчилиги ва ободончилиги учун ҳаракат қилдим...», «Мухандислар билан иттифоқда олий иморатлар барпо этиб, боғи бустонларнинг лойиха-тарҳини чиздирдим», - деб асосий истак-ниятлари ва мақсадларини амалга ошириб йирик ўзбек миллий давлатчилигини ташкил этибгина қолмасдан, балки уни шарқона ораста, гўзал услубда безашга ҳам муваффақ бўлади. «Зафарнома» муаллифи Шарофиддин Али Яздийнинг хабар беришича Озарбайжонда, Бойлакон шаҳрини Амир Темур янгидан бино этади ва бу шаҳарда ушбу муносабат билан ўтказилган кенгашда: «Агар олдин бизнинг диққат эътиборимизни ҳарбий юришлар тортган бўлса, эндиликда мамлакатда хотиржамлик ўрнатишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш бош вазифамиздир. Бу олижаноб ишда менга ёрдам беришларингизни илтимос қиламан», - деб илму-фан ахлига ва арбобу-хешларга мурожаат қилади [34]. Шу мақсадда бутун мамлакатни ораста, кўркам қилишга бутун куч қудратини сафарбар этишга қарор қилади.

Амир Темур ўтказган машваратларида мамлакат ободончилиги, орасталиги ҳақида мутасадди кишилар ҳисоботини эшитиб, ўз фикр мулоҳазаларини бериб турган. Қурилаётган жамоа бинолари, шаҳару-сарҳадлар, кўпригу-йўллар, каналларни ва бошқа қурилишларни бориб ўзи кўрган. Уларнинг ораста, шарқона услубга мувофиқлигини текшириб, қимматли фикр-мулоҳазаларини берган, ўзига ёқмаганларини эса бошқатдан қурдирган. Бу ҳақда Кастилия (Испания) элчиси Рюи Гонзалес де Клавихонинг Самарқандга 1403-1406 йилларда қилган саёҳати ҳақидаги кундалигида ажойиб ҳикоя ва қимматли маълумотлар мавжуд бўлиб, унинг мазмуни қўйидагича. Унинг ёзишича Самарқанд шаҳри Амир Темургача хароба холида бўлган. Унинг даврида бу шаҳар шарқона безатилади,

кўркамлашади, гўзаллашади. «Бу ишни подшоҳ ўзининг икки мироссига (Мирзосига) топширди. Подшоҳ кўрсатиб берган ердан кўча-раста қуришга киришилди. Раста ўтадиган ерларда учрайдиган уй-жойлар, улар кимники эканлигидан қатъий назар бузила бошланди. Бир гуруҳ кишилар бузиш ишлари, бошқа гуруҳ одамлар келиб қурилишни тезлатиб юбордилар. Кўчани жуда кенг (ораста) қилиб олдилар. Кўчанинг ҳар ер, ҳар ерида ҳовузлар қовланган бўлиб уларга сувлар тўлдирилиб қўйилганди ва узлуксиз янгиланарди. Бу ишга қўлида ҳунари бор ишбилармонлар танланар эди. Кундуз кун ишлаганлар кетиши ҳамона кечаси ишловчилар келардилар. Улар кечаю-кундуз шавқин-сурон билан ишлар эдилар. Натижада кишини ҳайратга соладиган ишлар қилинди, Самарқанд гўзал, ораста шаҳарга айланмоқда,— деб ёзиб қолдирган Клавихо [19]. Албатта Испания элчиси Клавихо бу воқеаларни ўз кўзи билан кўриб, ҳаммаси ҳақиқий гувоҳ бўлган, бўрттириб кўрсатишдан холи бўлган хорижлик кишидир.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Самарқанд ҳақиқатда э.о. VI-V асрларда мавжуд Зарафшон водийсининг кўркам, гўзал ва ораста шаҳри бўлган. Ҳатто Александр Македонский-Зулқарнай э.о. 329 йилда Самарқандни босиб олиб унинг орасталиги ва мустаҳкам эканлигига қойил қолган. Бу шаҳарнинг даҳшатли вайроналиги араб ва чингизий босқинчилари даврида юз берган. Улар қадимий Самарқанд-Афросиёбни томоман харобага айлантирган. Ҳатто чингизий амалдори Амир Темур ҳукмронлигига қадар нафақат Самарқандда, балки бутун Моварауннаҳрда кўзга ташланарли биронта жамоат бинолари қурмаганлар.

Амир Темур даврида Самарқанднинг қиёфаси тамоман ўзгартирилиб юборилади. Самарқанддаги ҳамма қурилишларга Соҳибқироннинг яқин сафдоши ва қобилиятли саркарда Оқ Буқо (Оқ Буғо ҳам дейилади) бошчилик қилади. 1371 йилдаёқ Шарқда энг гўзал, ораста олтита Оҳанин, Шайхзода, Чорсу, Қоризгоҳ, Сўзангарон ва Феруза номли дарвозалар қурилади ва улар мустаҳкам қалъа девори билан ўраб олинади. Шу йили Самарқандда энг

гўзал бино ҳисобланган давлат Маҳкамаси-Арки Олий курилади. Унинг ичида Амир Темурнинг қароргоҳи, тўрт қаватли Кўк Сарой ва Бўстонсаройлар курилиб, улар орасталикда табиат билан жилъа талашган кошинкор, нақшинкор ва гулдорпарчинлар билан безатилган эди. Осмон ўпар, бағоят гўзал минбару-миноралар, ғаройиб устунлар, чиройли ва ораста, пешгоҳли гумбазларга эга бўлган шаҳар Жомеъ масжиди, Гўрамир мажмуаси ва Сароймулкхоним мадрасалари, машҳур шайх Бурхониддин Соғаржий хилхонаси, Рухобод мақбараси, Шохизинда мажмуасидаги мақбаралар таъмирланди. Ораста, кўркам бу бинолар ва унинг атрофлари, кўчалари хориждан келган меҳмонларни ўз гўзаллиги, кўркамлиги, тоза ва озодалиги, орасталиги билан ром этиб, ҳайратда қолдирган. Шаҳар аҳли эса ана шу орасталикни кўз қорачиғидай эъзозлаган [15, 134-135 б.].

Шу билан бирга Моварауннахр ва Хуросон шаҳарларида Соҳибқирон ва ундан кейин темурийлар даврида янгича усул, Шарқона нафосат, рухий орасталик тафаккури вужудга келиб, бу орасталик рассомлик, наққошлик, маиший буюмларда, тенги йўқ ҳашаматли, салоҳиятли ранг-баранг безакли биноларда ўз аксини топади.

Амир Темур нафақат Самарқандни, балки бутун Моварауннахр, Хуросонни, темурийлар давлати тасарруфида бўлган, кейинчалик мамлакатга кўшиб олинган ҳамма худудларни режа асосида ораста, кўркам, хушманзара масканларга айлантиради. Зарафшон, Сирдарё, Амударёларда кўприклар куради. Самарқанд, Тошкент атрофларида Сирдарёдан Оҳангаронгача бўлган худудни хўшманзара жойга айлантиради, каналлар қоздириб сув чиқаради. Бухоро, Фарғона, Шаҳрисабз, Туркистон ва бошқа шаҳарларда карвон саройлар, чўлларда сардобалар, шаҳарларда ҳаммомлар, мадрасалар куриш ишлари ҳам кенг кўламда олиб берилади. Жумладан, унинг амри фармони билан Хуросон ва Озарбайжонда, Кавказу-Эронда, ҳозирги Туркменистон, Афғонистон ва бошқа худудларда қанчадан-қанча шаҳарлар, қалъалар қайта тикланди, кўприклар курилади, каналлар қозилади. Мўғуллар ҳужуми

оқибатида вайрон бўлган Банокат шаҳри Шохрухият номи билан 1392 йилда қайта қурилади. Амир Темурнинг фармони билан Хуросон бўйсундирилгач, 1381 йили Мурғоб дарёсидан чиқарилган каналлар орқали Марв воҳаси обод бўлади. Кавказда 1403 йилда Байлакон шаҳри қад кўтаради, шаҳар мавзеида, яъни Байлакон воҳасига Аракс дарёсидан узунлиги 70 км.гача чўзилган, эни 10 метрли, чуқурлиги 4 метрга тенг Барлос номли канал қозиб, сув чиқаради. Шу тариқа бу мавзе гўзал, ораста водийга айланади [10].

Соҳибқирон фармони билан таниқли саркардалар, давлат маъмурияти раҳбарларининг ҳар бири алоҳида-алоҳида режа асосида атрофлари гўзал, ораста, боғу-чорбоқлар, гулзору-майсалар билан безатилган каналлар қоздириб сув чиқаришга, чулу-сахроларни обод, ораста воҳага айлантиришга бошчилик қилган. Бу хабарлар тарихий ҳақиқат бўлиб Амир Темур бутун мамлакатни географик жиҳатдан тамоман ўзгартирилган, ободонлаштирилган, обод, ораста юртга айлантириш учун нафақат ўзини, бутун давлат арбобларини, саркардаларни, таниқли амирларни, маъмурий раҳбарларни, балки бутун аҳли-жамоани жалб қилади. Шарофиддин Али Яздий “Зафарнома” асарида ёзишча бу ишлар доимо ва узлуксиз Қаршида, Қорабоғда (Озарбайжон), Самарқандда режали ўтказилган Қурултойларда муҳокама қилиниб борилган. Мамлакатни ораста, кўркам, гўзал масканларга, обод, осойишта маҳаллаларга айлантириш ишларини давлат сиёсати ва фаолияти даражасига кўтарган [28].

Шубҳасизки, Соҳибқирон бошлаб берган бундай бунёдкорлик ишлари анъанага айланади ва кейинги даврларда Амир Темур ворислари, нуфузли давлат арбоблари, амирлар томонидан давом эттирилади.

Амир Темур Самарқанд атрофида бунёд эттирган боғлар саноғи турли манбаларда турлича: бир ўринда 7та, бошқа жойда 12-та, деб келтирилади. Мутахассислар кейинчалик аниқлашларича, уларнинг сони 14 та бўлиб, қўйидагича аталган ва кўриниш касб этган:

1. БОҒИ ШАМОЛ. Бу боғ 1397 йили бино қилинган. Шарафуддин Али Яздийнинг қайд этишича, бу манзил илгаридан сўлим бир жой экан. Яздий ёзади: «Ҳазрати Соҳибқирон обод Самарқанднинг шимолий томонидан барпо этгани «Боғи Шамол» номи билан машҳур боққа кўчиб ўтиб, жаҳон аҳли сиғгудек ўлкан саропарда (шоҳона чодир) курдирди.

Унинг дарвозаси олдидаги чодир ҳамда подшоҳ қабулхонаси (борохгоҳ), базмлар учун тикилган катта ва кичик чодирлар кўкка бўй чўзиб, ойга теккудек туюларди. Бу Эрам боғи янглиғ ором масканини жаннатнинг базм саройи хасад қиладиган даражада ораста, салобатли қилиб безатдилар [34]. ...Деворлари сатҳини ложувард ва олтин билан шундай ажойиб ва хайратомуз даражада гўзал этиб нақшладиларки, уларнинг тароватидан Моний расмлари ва ЧИН нигорхонасини уяту хижолат ғубори қоплади. Қасрнинг саҳнига мрамар тошлардан ва Қўҳи Нур (Нурота) дан келтирилган тошлардан чиройли қилиб ётқиздилар... Ташқи деворнинг ич тарафидаги изорасини-кошин билан безадилар [34, 224-227 б.].

2. БОҒИ БИҲИШТ. Самарқанднинг ғарбий тарафида малика Туман оғо шарафига 1378 йилда бино қилинган. Бу боғ Боғи Шамолнинг жануби-ғарбида жойлашган. Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»да ёзишича, боғдаги сарой атрофини сув билан тўлдирилган чуқур хандак ўраган бўлиб, бир неча кўприк сарой билан боғни ўзаро боғлаб турган. Ғоят кўркем сарой оқ мрамардан тикланган.

Боғи Биҳиштнинг бир томонида кўриқхона бўлиб, ундаги жониворлар кафасларда эмас, атрофи ўралган майдончаларда эркин ҳолда сақланган. Шунинг учун бир қатор тадқиқотчилар Амир Темурни илк кўриқхона асосчиси деб ҳисоблайдилар. [34, 228 – б.]

3. БОҒИ БАЛАНД. У шаҳарнинг шимолидаги Чўпонота тепалиги ёнбағрида барпо этилган. Боғ Амир Темурнинг энг гўзал оромгоҳларидан бўлиб, уни яратишда Эрон, Ироқ, Озарбайжон ва бошқа мамлакатлардан келтирилган уста меъморлар қатнашганлар.

Боғдаги Табриз мрамори билан тикланган сарой биноси учта хонадан иборат бўлиб, унда қимматбаҳо буюмлар, нодир санъат асарлари сақланган. Бу боғ Соҳибқироннинг суюкли набираси, Мироншоҳнинг қизи Оқабегимга атаб қурдирилган. Самарқанд шимолидаги баландликда барпо этилгани сабабли Боғи баланд номини олган. Ҳозиргача ҳам ушбу ном билан аталган бу манзил ўзининг тўкин анжирзорлари билан машҳур.

4.БОҒИ ДИЛКУШО. Самарқанд шарқидаги боғ. Шаҳардан тахминан олти километр масофада, Панжакент йўлининг ўнг томонида бўлган. Шаруфиддин Али Яздийнинг ёзишича, Боғи Дилкушони бино қилиш давомида олдиндан мавжуд бўлган ўн иккита боғ бирлаштирилиб мукаммаллаштирилган. Боғ қурилиши 1396 йилда бошланган. Боғда гўмбаз шаклида тикланган қаср бўлиб, унинг уч томонидан миноралар юксалиб турган. 1398 йил баҳорида – Ҳинд юриши арафасида шу янги боғда Амир Темур мислсиз тантаналар ўтказиб, Амир Ҳизрхўжанинг қизи Тўқолхонимга уйланган ва боғдаги қасрни ёш маликага атаган [14].

Шарафиддин Али Яздий ёзади: «Боғ ниҳоятда дилкушо ва гўзал тарзда барпо этилган безавол иқбол, унинг исми жисмига монанд бўлгани учун «Боғи Дилкушо» дея атади» [34].

Боғи Дилкушо тўртбурчак шаклида бўлиб, ҳар томони бир ярим минг тазга баробар келган. Тўрт томондаги токи рангли кошинлару нақши-нигорлар билан зийнатланган дарвозалари бўлган. Боғнинг тўрт бурчагида баланд миноралар қад кўтарган. Боғ ўртасида юксак гўмбазли қаср тикланиб, унинг уч пештоқи ва уч минораси бўлган. Оқ мрамардан тикланган бу сарой деворлари ой нурида товланиб турган. Муаррихлар Соҳибқирон узок муддат бу боғда тўхтаб, суюкли набираси Мирзо Улуғбек билан суҳбатлар қурганини ёзадилар. Пештоқларда осмону юлдузларнинг акс этирилиши нафақат Амир Темурнинг илми фалақийётга қизиққани, шунингдек набирасининг кўнгил хавасидан хабардорлигига ишорадир.

Қаср деворларида Амир Темурнинг 1399 йилда Ҳиндистонга юриши воқеалари рангин тасвирланган. «Бобурнома»да «кўшкга Темурбекнинг Ҳиндистон уруши тасвир қилиб турлар», дейилиши мазкур ҳолатни яна бир қарра тасдиқлайди.

Амир Темур 1401 йилнинг 8 сентябрида Кастилия қироли элчиси Руи Де Клавихони Боғи Дилкушода қабул қилган. Клавихо боғдаги фавворадан отилиб турган сувнинг тепадаги олтиндан ясалган олмаларга урилиб сочилишини кўриб, бу гўзал манзарадан беқиёс ҳайратга тушганини ёзади. Кейинчалик боғ ўрни Хончорбоғ деб аталган.

5. БОҒИ ЧИНОР. Самарқанд жанубида Дарғом ариғи ёқасида бино этилган. У ерда чинорлар ҳаддан зиёд кўп бўлгани сабабли «Боғи Чинор» деб аталган. Шарафиддин Али Яздий уни Кеш шаҳридан келишда яқин биринчи боғдир, деб хабар беради.

6. БОҒИ ЗОҒОН. Самарқанднинг шарқий томонида, шаҳардан тахминан 20 километр масофада Кўчан Хиёбон, яъни Самарқанднинг Хиёбон мавзесига олиб борадиган йўл устида – «Самария» муаллифи ёзганидек, «Шовдор туманининг шимол томонида» бўлган. Бу боғ ўрнида бугун Боғизағон қишлоғи мавжуд.

7. БОҒИ НАВ Самарқанд жанубидаги Лолазор қишлоғи яқинида 1404 йили барпо этилган. Боғ Амир Темурнинг барча оромгоҳлари каби тўртбурчак шаклида бўлиб, баланд девор билан ўралган. Боғнинг ҳар бурчагида миноралар тикланган, ўртасида гумбазнамо қаср қурилган, унинг олдида катта ҳовуз ҳам бўлган. Қаср хоналари қимматбаҳо буюмлар билан безатилган. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Боғи Нав билан Боғи Дилкушо ҳар томони бир ярим минг газ, яъни томонлари мингга минг метрлик кўринишда бўлган. Клавихо ўз саёхатномасида Боғи Нав ҳақида дейди: «Бу бино биз аввал кўрган биноларга қараганда анча катта бўлиб, олтин ва ложувард билан зийнатланган. Бу боғ ва саройлар шаҳардан ташқарида бўлиб, мазкур боғ Боғи Нав деб аталади»[19].

8. БОҒИ ЖАҲОННАМО. Бу боғ Самарқанд жанубидаги Тахти Қорача давонига яқин, шаҳардан 24-25 чақирим узоқдаги Қоратепа қишлоғида бино қилинган. Боғнинг ёнида катта қалъа ҳам бўлган. Боғ ва қалъа Амир Темурнинг ҳарбий юришлари арафасида ва жангдан қайтишида ҳордик оладиган маскани ҳисобланган.

9. БУЛБОҒ. Самарқанднинг жанубий томонида, Тахти Қорача давони яқинидаги боғ. Оромгоҳ ўртасида қаср жойлашган ва унинг ёнидан тоғдан тушган жилға оққан. Шарафиддин Али Яздийнинг маълумотига кўра, боғ 1388 йилда барпо қилинган. Ҳозир шу боғ ўрнида Гулбоғ қишлоғи мавжуд.

10. БОҒИ БЎЛДУ. Самарқанд шарқидаги маскан. Бобур Мирзо ёзадики: («Темурбек») Самарқанднинг шарқида икки боғ солибтур, бириким йирокроғи, Боғу Бўлдудур, ёвукроғи (яқинроғи) «Боғи Дилкушо»дир». В.Вяткин қадимий Самарқанд топографиясига оид мақоласида Боғи Бўлдуни Боғи Дилкушога яқин ердаги Қўрғонча қишлоғида бўлган, деб маълумот беради.

Афсоналарнинг бирида айтилишича, Боғи Бўлду дарвозалари пештоқиға ўрнатилган мрамртош кечаси ўзидан ёғду таратиб, атрофни ёритиб турар экан. Халқ тўқиган бу афсонада жон бор. Чунки сарой дарвозаси пештоқидаги зарҳал нақшлар ой нурида шуълаланиб турган.

11. БОҒИ НАҚШИ ЖАҲОН. Чўпонота тепалигининг жанубий этакларида бунёд этилган. Айрим тадқиқотчилар Боғи Нақши Жаҳон Амир Темур қурдирган дастлабки боғларнинг бири, деб ҳисоблайдилар. «Нақши Жаҳон» сўзи «дунё беағи» маъносини билдиради. Мирзо Бобур ёзади: «(Темурбек) яна Пуштаи Кўҳак домонасида, Кониғилнинг қора суйининг устидаким, бу суйни Оби Раҳмат дерлар, бир боғ бузулиб эрди» [16].

12. БОҒИ ДАВЛАТОБОД. Самарқанд жанубида, Термиз йўлининг ёқасида, Боғи Дилкушо билан Боғи Жаҳоннамо оралиғида барпо этилган боғ. Темурийлар даврига оид вақф хужжатларига кўра, боғ Дарғом ариғи яқинида бўлган. Ҳарбий юришлардан қайтган Жаҳонгир шу боғда

тантанали маросимлар ўтказган, элчиларни қабул қилган. Шарафиддин Али Яздий Амир Темур 1399 йили Ҳиндистон юришидан қайтаётиб, Боғи Жаҳоннамода ором олгандан сўнг, Давлатобод боғидан ўтиб Боғи Дилкушога келганини ҳикоя қилади. Клавихо эса боғни шундай таърифлайди: «...Боғда пўртаҳол (апельсин) ва лиму (лимон) дан тортиб ҳар хил мевали дарахтлар бор эди. Боғда олтита ҳовуз бўлишига қарамай, боғни кесиб ўтган анҳор оқиб туради...Тепалик устида ажойиб сарой қад кўтарган. Сарой олтин, ложувард ва ялтироқ кошинлар билан тўқис зийнатланган, мазкур тепалик сувга тула хандак билан ўралган. ...Боғда шох (Темур) топшириғи билан эркин қўйилган кийиклар ва тустовуқлар, товуслар ҳам мавжуд. ..Мазкур боғ ва сарой Давлатобод деб аталади» [19].

13. БОҒЧА. Самарқанд шаҳрининг ичида, амирзода Муҳаммад Султон мадрасаси ва даҳмаси (бу ер Гўримир деб аталади) ёнида барпо этилган кичик боғ.

14. БОҒИ МАЙДОН. Самарқанд шимолида, Афросиёб билан Чўпонота тепаликлари оралиғида барпо этилган боғ. Бобур Мирзо Улуғбек барпо этган деб ёзса-да, бошқа қатор асарлар боғ Амир Темурдан қолганини ва Соҳибқирон набираси уни таъмирлатгани, кўшк солгани ҳақида ёздилар. «Бобурнома»дан «Яна пуштайи Кўҳакнинг доманасида ғарб сари боғ солибтур. Бу боғнинг ўртасида бир олий иморат қилибтур. Чилсугун дерлар, шу ошёна (икки қаватли), устунлари таммом тошдан. Бу иморатнинг тўрт бурчида тўрт минорадек буржлар кўтариб турибдиларким, юқорида чиқар йўллар бу тўрт буржундур. Ўзга тамом ерларда тошдан устунлардур. Баъзини морпеч-хиёра қилибтурлар». Боғда чиройли айвон қурилиб, унда қимматбаҳо тошдан тахт ясалган. Бу жойни Мирзо Улуғбек тиклаган сарой номи билан «Чилустун» деб ҳам атаганлар [16].

Ёзма манбаларда қайд этилишича, Темур Курагон даврида фақат кенг Самарқанд шаҳарлари ёки Мовароуннаҳрнинг азалий худудида эмас, балки мамлакатга кейин қўшиб олинган амирликларда, масалан, унинг амри

фармони билан Хуросон ва Озарбайжонда бир қанча шаҳарлар ва қалъалар қайта тикланди. Жумладан, мўғуллар босқини оқибатида тамом вайрон бўлган Сирдарё соҳилидаги қадимги Банокат 1392 йилда қайта қурилади ва теварак-атроф аҳолиси кўчирилиб, унга жойлаштирилади. Дарё бўйида қайта қад кўтарган бу янги шаҳар-қалъа Соҳибқироннинг кенжа ўғли номи билан Шохруҳия деб аталади.

Шубҳасиз, Темур бошлаб берган бунёдкорлик анъанага айланиб, бундай ишлар ворислари томонидан давом эттирилади. Темурий шахзодалардан тортиб нуфузли амирлару вазирлар, вилоят ва улус ҳокимлари ўз шахсий мулк ва маблағларининг каттагина қисмини марказий шаҳар ва уларнинг теварак-атрофида шоҳона кўшқу саройлар қуришдан ташқари, хайрия ишларига-масжиду мадрасалар, хонакоху шифохоналар, ҳаммому бозор расталари, работу карвонсаройлар, сув иншоотларию боғ-роғлар ва бўстонлар барпо этишга сарф қиладилар. Айниқса улар эътиқод, илм ва маърифат масканлари-масжидлар ва мадрасалар, шифохона ва хонакоҳларнинг сарфу харажати учун катта-катта экин ерлари, тегирмон, обжувоз, мойжувоз ва дўконлар каби кўзгалмас мулкларни вақф қилиб, мударрис олимлару толиби илмлар, зоҳидлар ва обид машойихларга маошлар белгилайдилар.

Ҳозирги кунда юртимизни ораста, гўзал, кўркам юртга айлантириш ишлари бутун мамлакатимиз бўйича бошлаб юборилди. Айниқса ободонлаштириш ишлари Самарқанд вилоятининг туманларида, жонажон муқаддас шаҳримизда ҳам юксак кўтаринкилик билан олиб борилмоқда. Ҳақиқатдан ҳам тарихий бинолар шарқона орасталик билан таъмирланмоқда, янги кўркам бинолар қад кўтармоқда, бульвар-парклар, гузару-гўшалар, маҳаллаю-жамоат жойлари, оромгоҳ-лар, кўллар, ариқу-каналлар таъмирланмоқда, янгилари қурилмоқда. Кўчалар, маҳаллалар, гўзарлар атрофлари тозаланиб, гуллар, майсалар, ниҳоллар экилмоқда, турли рангдаги фавворалар қурилмоқда. Бу салоҳиятли, фазилатли ишларда нафақат

ўқитувчию-талабалар, раҳбар-ходимлар, балки Ватан ишқида ёнган ғурурли, ифтихорли, ўз шаҳрига жон фидо қилишга тайёр ҳар бир фуқаро иштирок этмоқда. Ҳар бир фуқаро ҳеч бўлмаса биттадан ниҳол, гул экиши, ўз уйи, ҳовлиси, кўчаси, гўзари, бозори, савдо масканларини, маҳалласини тоза, кўркам, озода сақлашни ўз вазифаси деб билиши зарур. Бу эса юрт, Ватан олдидаги ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи ва масъулиятидир. Шундагина ҳаммамиздан шаҳримиздан ўтган улуғ зотлар, авлиё-ю-пирларимизнинг руҳлари қўллаб-қувватлайди, уларнинг руҳлари шод бўлади, ишимизга омад беради, оиламизга қутъу-барака ато этади. Шундагина улуғ Соҳибқироннинг Ватан муқаддаслигини эъзозлаб, орасталик, кўркамлик, гўзалликни сақлашдек орзу-умидларни амалга оширишдек мақсадларига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшган бўламиз.

1.2. Мирзо Улуғбек даврида илм-фан равнақи

Инсоният тарихида шундай ажойиб кишилар етишиб чиққанки, уларнинг номи тарих саҳифасида абадий ўрин олиб келаётир. Булар орасида Муҳаммад Хоразмий, Беруний, Абу Али Ибн Сино, Форобий, Улуғбек, Коперник, Жордано Бруно, Галилей, Ломоносов каби буюк сиймолар бор. Бу олимларнинг табиат тўғрисидаги фанларни, хусусан, математика, медицина, астрономияни вужудга келтириш ва ривожлантиришдаги хизматлари беқиёсдир.

Ушбу сиймолар ичида улуғ ватандошларимиз ҳам борки, бугунги ўтиш даврида уларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига халқимизнинг янгича дунёқараш билан - маданий меросимиз ва кечмиш тарихимизни ўрганиш руҳ билан қизиқиши тобора ортиб бормоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда фалакиёт сирларини очиш ва ундан ҳаётда фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотлар жадал суръатлар билан авж олдирилди. Бу илмларга асос солган ва яратган кишилар ҳаёти ва фаолиятини

ўрганиш шам чуқурлашди. Фалақиётга биринчилардан бўлиб "дарча" очганлар орасида фахрли ўринни буюк ватандошимиз Мирзо Улуғбек эгаллайди. Шунинг учун ҳам ҳаёти ва унинг яратувчилик фаолиятини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Буюк соҳибқирон Амир Темурнинг набираси Мирзо Улуғбек ёшлигиданоқ билимга зўр иштиёқ ҳисси билан вояга етди. Ёшлик чоғида Улуғбек бобоси Темур ва бибиси Сароймулкхоним билан Арманистон, Кавказорти, Ҳиндистон ва Қобулда, шунингдек, Эрон ва Кичик Осиёнинг кўпгина шаҳарларида сафарда бўлди. Улуғбек Самарқандда бошқа набиралар қаторида давлат кенгашларида бобосининг элчиларни қабул қилиш маросимларида қатнашар эди. Бундай маросимлар одатда тез-тез бўлиб турар эди. Айниқса, Темур саройидаги олимлар ва шоирлар анжумани жуда мароқли ўтар эди. Улуғбек ушбу анжуманларга қатнашиб, олимлар ва шоирлар билан мулоқотда бўлиб турарди. Бу учрашувлар ёш Улуғбекнинг маданий ва, айниқса, илмий жиҳатдан янада камол топишига катта ижобий таъсир кўрсатарди. Улуғбек китоб мутолаа қилишдан вақтини аямас, бобосининг Кўксаройдаги подшоликка хос куубхонаси ҳам унинг учун доимо очиқ бўларди. Унда илоҳиёт, ҳадис, тарих, жуғрофия, фалсафа, фикх, тибб, фалақиёт, риёзиёт ва бошқа фанларга оид китоблар сақланарди [12, 26-б.].

Улуғбек ўн бир ёшга тўлай деганда (1405 йил 18 февраль), унинг бобоси Темур вафот қилади. Шундан сўнг Темурнинг улкан салтанати сулолавий курашлар исканжасига тушиб қолади. Ўша кезлари (1405 йилдан то 1409 йилгача) Улуғбек отаси Шохрух Мирзо ҳузурида бўлади ва бир неча бор унинг ҳарбий юришларида қатнашади. Шохрух Мирзонинг китобга, айниқса нодир қўлёзмаларга қизиқиши зўр бўлиб, Ҳиротда у улкан кутубхона яратга эди. Улуғбек бўш вақтларида ушбу кутубхонада бўлар, ундаги нодир китобларни мутолаа қилар эди. Ўз замонаси ва ўтмишдаги кўп олимларнинг асарларини Улуғбек дастлаб Самарқандда, сўнгра отасининг

ушбу кутубхонасида ўқишга муяссар бўлди. Жумладан, юнон олимлари - Афлотун, Арасту, Гиппарх, Птолемейларнинг классик асарлари билан яқиндан танишди. Ватандошлари Аҳмад Бин Муҳаммад ал-Фарғоний, Муҳаммад ал-Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ва бошқа олимларнинг илмий асарларини қунт билан ўрганиб чиқди.

Улуғбек Мовароуннаҳр ҳукмдори деб эълон қилинганда эндиgina 15 ёшга тўлган эди. Шунинг учун Самарқандаги ҳақиқий ҳокимият Улуғбекнинг васийи (оталиғи) амир Шоҳмаликка ишониб топширилганди. У Улуғбек 17 ёшга тўлгунча Шоҳруҳ Мирзонинг кўмагида Самарқандни Улуғбек номидан бошқариб турди. Улуғбек васийдан халос бўлгач, Мовароуннаҳр ва унга ёндош вилоятларнинг ҳақиқий ҳукмдори бўлиб қолди. Улуғбек ўз ҳукмронлиги даврида ҳарбий босқинчилик юришлари олиб бормайди. У фақат, зарурат туғилганда, мамлакат хавф остида қолган ҳоллардагина тегашли чоралар кўради. Масалан, 1425 йил бошида Мўғулистон тарафидан шундай хавф-хатар туғилганда Улуғбек уларга қарши кўшин тортишга мажбур бўлади. У сўнгги сафар 1427 йили Оқ Ўрда хони Бароқ ўғлонга қарши кўшин тортган эди. Шундан кейин ўтган йигирма йил мобайнида Улуғбекнинг ўзи ўзга юртларга қарши ҳарбий юришлар ўтказмаган [36, 65-б.]. Улуғбек ҳарбий юришлар билан эмас, балки маърифат, илм-фан ҳамда ободончилик ишлари билан шуғулланган. Хуллас, Улуғбек давлат арбоби тарзида эмас, балки жасур олимлик ҳамда яратувчилик фаолияти билан шуҳрат қозонган. Лекин у давлат ишларини бутунлай ташлаб қўя олмас эди. Чунки ҳокимият тепасида туриш хайрли ва фозиллик ишларини амалга оширишда Улуғбекка ёрдам ва мадад берарди.

Улуғбек шахсий ҳаётида ва сиёсий фаолиятида отаси Шоҳруҳ ва бобоси Темурга нисбатан бутунлай бошқача йўл тутди. Амир Темур ва Шоҳруҳлар шариат қонунларига берилиб, ўзларига мададкор бўлган мусулмон руҳонийлари таъсирига суянган ҳолда, кўпроқ диний муассасалар

учун зарур бинолар, яъни масжид, мақбара ва хонақоҳлар қурдирган бўлса, Улуғбек ўз фаолиятида улардан ўзгача йўлни – кўпроқ маданий ва илмий муассасалар қуриш, маданиятни тараққий эттириш, ободончилик, маъмурчилик ва ижтимоий тараққиёт йўлини танлади.

Улуғбек ўз давлатининг нуфузли ва маданий марказлари бўлмиш Бухоро (1417 йили), Самарқанд (1420 йили) ва кейинчалик Ғиждувонда (1433 йили) мадрасалар қурдириб, илмий ва ижтимоий тараққиётга катта аҳамият берди.

Улуғбек қурдирган мадрасалар ўз даврининг дорилфунунлари ҳисобланиб, уларда машҳур олимлар илоҳиёт илмлари (қуръон, ҳадис, тафсир)дан ташқари риёзиёт (математика), ҳандаса (геометрия), илмий ҳайъат (астрономия), тиббиёт (медицина), тарих, жуғрофия, илми афруз (поэзия) каби фанлардан ҳам дарс беришган. Мадрасаларда ўқиб таҳсил кўрган ва олимлар синовидан муваффақиятли ўтган талабаларга санад (шаҳодатномалар берилган. Улуғбекнинг Самарқанддаги мадрасасида шарқнинг машҳур шоири Абдурахмон Жомий ҳам таҳсил кўриб, ўқишни тугатгандан сўнг шу мадрасада мударрислик қилган. Бухородаги Улуғбек мадрасаси дарвозасига Қуръондан олинган байт – «Талаб-ул илма фаризатун ало куллимуслимин ва муслима», яъни «илмга талаб – ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун фарздур» деган сўзлар нақш этилган. Бундай ҳикматни мадраса пештоқига ёздириш Улуғбекнинг фуқарони ижтимоий тараққиётга чорлашининг гувоҳи эди. Улуғбек қурдирган мадрасалар орасида, айниқса Самарқанд мадрасаси қурилиши ва фаолияти жиҳатидан алоҳида эътиборга сазовордир. У Улуғбек Бухорода қурдирган мадрасадан кейин (1417-1420 йилларда) қурилган бўлиб, тарҳи, тарзи ва ички кўриниши, муҳандислик ечимларини ўзига хослиги билан Темурийлар даврида қурилган кўпгина бошқа мадрасалардан ҳам фарқ қилади. Айниқса, бош пештоқининг тарзи ва меъморий тузилиши ғоят салобатли ва маҳобатлидир. Мадрасага кираверишдаги пештоқ юзларида юлдузларга тўла осмон тасвири

ифодаланган. Атоқли олим, академик Тошмухаммад Қори-Ниёзий бу ҳолни «мадрасада ўқитилган фанлар ичида фалакиётга алоҳида аҳамият ва фахрли ўрин берганлигидан», деб тушунтиради [36, 67-б.]. Мадраса ўз вақтида икки қаватли бўлиб, тўрт бурчагида тўрта баланд гумбазли дарсхоналар, ҳар икки ёнида ҳовлига қараган қатор хужралар бўлган. Ҳар бир хужра уч хонадан: казноқ, ётоқхона ва дарсхонадан иборат бўлган. Мадраса деворларининг нақшлари асосан мовий, ложувард ва оқ рангларда фазовий гирихлар билан гилам хуснида терилган.

Мирзо Улуғбек қурган мадрасаларга мударрис тайинлашда ҳам иборатли иш тутган. Бир куни Улуғбекдан унинг Самарқанд мадрасаси йўсинида: «Шоҳим, бу улкан ажойиб мадраса қурилиши тугай деб қолди. Унга кимни мударрис тайинламоқчисиз?» - деб сўрашганларида Улуғбек: «Бу мадраса мударриси жамеъ илмларга моҳир ва барча фанлардан баҳраманд ва комил киши бўлғай», деб жавоб берган экан. Шунда ушбу мадраса қурилишида кўп кўмаклашиб, устод бинокорлар қўлига ғишт узатиб турган ва анча муддатдан бери Самарқандга келиб, жидду-жаҳд билан таҳсил кўрган мавлоно Муҳаммад Ҳавофий: «Бу мартабага мен лойиқдурмен», деб қолади. Шундан сўнг Улуғбек уни ёнига чақириб, танишади ва имтиҳон айлантиди. Ниманики сўрамасин, маъқул ва мақбул жавоб олади. Кейин уни иззат-ҳурмат қилиб, Қозизода Румий ҳузурига олиб боради ва ўзига ҳамсабоқ қилади.

Мадраса очилган куни тўқсон нафар олимлар йиғилиб, Мавлоно Ҳавофийдан «очиқ дарс» ўтказишни сўрайди. Ҳавофий дарсига Мирзо Улуғбек ва Қозизода Румий ҳам ташриф буюришади. Ҳавофий дарсни илмий жиҳатдан ўта теран баён қиладики, унинг маъносини Улуғбек ва Қозизода Румийдан бўлак ҳеч ким тўла фаҳмлаб ололмайди [21, 18-19-б.]. Ўша куни олимлар кенгаши билан мавлоно Муҳаммад Ҳавофий Улуғбек мадрасасининг етакчиси қилиб тайинланади. Бобомиз Улуғбекнинг XV асраёқ олим ва фозиллар ичида бундай ошкоралик тарзида иш тутиш

бугунги кунда ҳам ўрнак олса арзигудек аҳамият касб этади. Машҳур адиб Абдурахмон Жомийнинг ҳам Улуғбек мадрасасига мударрислик қилиниши бунинг исботидир.

Таниқли олим ва меъмор Пўлат Зоҳидовнинг фикрича, Улуғбек мадрасаси иморатининг ғарб томонида, яъни орқа қисмида Улуғбек хонақоҳи жойлашган бўлиб, у ўзаро бирлашган учта катта баланд гумбазли хона (зал)лардан иборат бўлган. Мадрасанинг ҳозирги ҳолатини ва тархини ўрганар эканмиз, Пўлат Зоҳидовнинг ушбу талқини тўғри эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Ҳақиқатдан ҳам, мадрасанинг орқа қисмида икки бурчда биттадан баланд гумбазли хоналар, ўртада улар ҳамда мадраса ҳовлисига чиқувчи баланд айвон билан боғланган меҳробли чўзинчоқ зал – масжид жойлашганки, булар хонақоҳга тегишли хоналардир [20].

Пўлат Зоҳидов Темурийлар даврини ёритувчи ёзма манбаларга таяниб ҳамда археологик текширишлар натижаларига асосланиб, Темур ва Улуғбек давридан бошлаб турли вазифаларга мўлжалланган иморатларни комплекс ёки ансамбль тарзида ушштириш аъъанаси кенг ривож топган, деган хулосага келади. Демак, мадраса ва хонақоҳни бир иморат таркибида қуриш Улуғбек даврида ҳам йўл қўйилиши мумкин бўлган меъморий услуб ҳисобланган. Бунинг устига шундай бўлганда анча қулайлик яратилганки, хонақоҳ мадрасага келган шоирлар, олим ва талабалар учун ётоқхона ролини ҳам бажарган. Мусофир дарвешлар учун эса катта ва кичик алоҳида хонақоҳлар қурилган.

Улуғбекнинг Бухоро ва Ғиждувондаги мадрасалари ҳам Самарқанд мадрасасидек тўғри тўртбурчак тархга ва чорсу ҳовлига эга. Ҳажмий тузилиши ва тархининг ўлчовлари жиҳатидан Самарқанд мадрасасига нисбатан кичик бўлсада, улар ҳам анча мукаммал ишланган. Ҳовлилар икки муқобил айвонли, Бухоро мадрасаси икки қаватли ҳужралар билан, Ғиждувон мадрасаси эса бир қаватли қилиб қурилган. Мадрасаларда, дарсхоналар, масжид, китобхоналар, ҳужралар, айвонлар, миноралар бор.

Мадрасалар ҳовлиси берк, лекин ўзига жозибатор қилиб безатилган. Мадраса тарзлари серҳашам, пухта ва теран композицияларда, гўзал ва маҳобатли қилиб ишланган. Шуниси диққатга сазоворки, Улуғбек мадрасаларидаги кошинкорий безаклар бир-бирида ҳеч такрор ишлатилмаган. Маълумотларга кўра, Бухородаги Улуғбек мадрасасининг бош меъмори исфахонлик меъмори уста Тохир ўғли Исмоил бўлган. Ушбу меъмори кейинчалик ўз ўғли билан Улуғбек расадхонаси қурилишида ҳам бош меъмори бўлган экан [20, 71-72 б.].

Улуғбек мадрасаси асрлар давомида мусулмон Шарқда донг таратган олий билим маскани бўлиб келди. Мадраса биниси таълим-тарбия, маърифат ва илм мақсадларини кўзлаб бунёд этилганлиги учун ҳам уни яратган меъморилар талабаларга билим ва тарбия бериш масаласини комплекс ҳал қилишди: таълим ва илм маскани гўзал санъат асари тарзида - ғоят мафтункор меъморий маскани кўринишида яратилган. Оддий рангли сирланган ғиштлар, мозаика ва ўйма мармарлар омикта бўлиб, ана шу ягона бадий ғояни ифодалади. Нақшлардаги юлдузсимон гирихлар ва араб имлосидаги ёзувлар Улуғбекнинг маърифатпарварлиги ва «фалакиёт» фанига чексиз муҳаббатни асрлар оша ҳикоя қилиб туради.

Улуғбек фақат мадрасалар – дорилфунунлар қуриш билан чекланиб қолмади. У умуман Самарқандни обод қилишга ва Мовароуннаҳрни бошқа шаҳарларни ҳам ободонлаштиришга катта ҳисса қўшди. Айниқса, у Самарқандда, Регистон майдонида катта қурилишлар қилди. Ўзи қурдирган мадраса ёнига 1424 йили Мирзойи карвонсаройини солдиртирди (ҳозирги Тиллақори мадрасаси ушбу карвонсарой ўрнига XVII асрда қурилган). Шу ерда мадраса ва хонақоҳга яқин жойдан ажойиб бир ҳаммом ҳам қурдирди. Мадрасанинг жануб томонидан Муқаттаъ номли масжид ҳам солдирдики, у ҳақда Бобур кейинчалик: «...Бу жиҳаттин, Муқаттаъ дерларким қатъа-қатъа йиғочларни тарош қилиб, ислимий ва хитой нақшлар солибтурлар, тамом деворлари ва сақфи ушбу йўсинлуктур», - деб ёзади [16]. Тарихчи олим Б.Аҳмедовнинг фикрича, ушбу масжид ва Улуғбек мадрасаси унинг

расадхонаси битказилиб ишга тушганга қадар, ўзининг асосий вазифасидан ташқари, ўзига хос расадхона вазифасини ҳам бажарган экан.

Улуғбек бобоси Амир Темур даврида қурилиш бошланиб, айрим сабабларга кўра битмай қолган бир талай муҳим биноларни ҳам қуриб битказди. Самарқандда Бибихоним масжиди, Гўри Мир мақбараси ва Шоҳизинда ансамбли қурилиши ниҳоясига етказилади. Марвда Хайрия муассасалари, шунингдек Шаҳрисабздаги Кўкгумбаз масжиди ва Гумбаз майдон, Ясидаги Ҳожи Аҳмад Яссавийнинг қабри устига қўйилган бинолар тугалланади. Булардан ташқари, Улуғбек фармойиши билан Мовароуннаҳр шаҳарларида кўплаб чорсу, савдо расталари, карвонсаройлар, ҳаммомлар, сардобалар. Самарқандда Обираҳмат суви ёқалаб бир қанча кўркам боғ-роғлар барпо этилади.

Улуғбек 1424 йили Гўри Мир комплексида, унинг кунчиқиш тарафидан эшик очтиради ва ундан то мақбарага қадар ёпиқ айвон қурдиртиради. Мақбара эшигининг тепаси, ён тарафлари, шунингдек, ёпиқ айвон нақшин бўёқлар билан безатилади. қабрлар атрофидаги жимжимадор мармар панжараларни ҳам Улуғбек қўйдирган бўлиб, улар мақбаранинг ички кўринишига алоҳида ҳусн қўшиб турибди. Улуғбек даврида Темур қабри учун каттакон тўқ яшил нефритдан тош йўнилиб, унга Темурнинг шажараси ўйиб ёзилади.

Афросиёбнинг жануб тарафида жойлашган ва Шоҳизинда номи билан маълум силсила Самарқанднинг ажойиб меъморчилик ёдгорликларидан ҳисобланади. Шоҳизинда XI асрда қурила бошланиб, Темур ва Улуғбек даврида поёнига етказилади. Хусусан Улуғбек ҳозирги ансамблнинг қуйи қисмини ташкил қилувчи бинолар гуруҳини норасида ўғли Абдулазиз номидан қурдиртиради. Дастлабки у бу ерда қўш гумбазли кўркам мақбара, сўнгра юқори ва қуйидаги иморатларни боғловчи сербар зинапоя ва рангоранг сержило ғиштлар билан безалган баланд пештоқли дарбозани (1434-1435) қурдиради. Бу билан Улуғбек асрлар бўйи бино этиб келинган

Шоҳизинда ансамблини композицион жиҳатдан ниҳоясига етказилади. Қўш гумбазли мақбаранинг меъморий қурилиш услуби бошқа мақбаралардан тубдан фарқ қилиб, у бир ўқда жойлашган алоҳида икки хонадан: гўрхона ва зиёратхонадан иборат.

Улуғбек қурдирган бинолар ҳақида гапирар эканмиз, унинг Регистон майдони атрофида солдирган ҳаммомининг ўрни хусусидаги муаммога тўхталиб ўтмоқчимиз. Гап шундаки, бу ҳаммом бизгача етиб келмаган, адабиётларда ҳатто унинг жойлашган ўрни ҳақида ҳам аниқ маълумотлар йўқ. Бобур Улуғбекнинг Самарқандда қурдирган иморатлари ҳақида ёза туриб: «Улуғбек Мирзонинг иморатларидан Самарқанд қалъасининг ичида мадраса ва хонақоҳдир... Ушбу мадраса ва хонақоҳга ёвуқ бир яхши ҳаммом солибтур. Мирзо ҳаммомига машҳурдир, ҳар бир навъ тошлардан фаршлар қилибтур. Хуросон ва Самарқандга онча ҳаммом маълум эмаским бўлғай. Яна бу мадрасанинг жанубида масжид солибтур, масжиди Муқаттаъ дерлар...», деб тушунтиради [16].

Улуғбек ҳаётида энг катта ўрин тутган, Европада «Самарқанд академияси» деб шуҳрат топган, Улуғбек ва у ҳомийлик қилган олимларнинг илмий кашфиётлари, лабораторияси ва олий маҳкамаси ҳисобланган, Самарқандда бунёд этилган машҳур бинолардан бири Улуғбек расадхонасидир. У 1424-1429 йиллари ҳозирги Чўпонота тепалигида, Обираҳмат ариғи бўйига яқин жойда қурилади. Расадхонанинг ҳажмий ечими, безак ва жиҳозлари ҳақида ҳали жуда оз, афсуски, фақат умумий маълумотларгагина эгамиз, холос. XVII асргача сақланиб, кейинчалик вайрон бўлиб кетган расадхона қолдиқларини рус олими В.Л.Вяткин 1908 йили тарихий ҳужжатлар асосида топди. Шундан кейин расадхона ўрганила бошланди. 1948 йили қазилар ва ўрганиш ишларини археолог олим В.А.Шишкин давом эттирди. Совет даврида олиб борилган узок текширишлардан сўнг бино устувон (цилиндр) кўринишида бўлганлиги аниқланди. Олимлардан В.Вяткин, М.Массон, В.Шишкин, Б.Записки,

Т.Қори-Ниёзий, В.Нильсен, Г.Пугаченковалар ҳамда кейинги йилларда М.Булатов расадхона кўринишини, шаклу шамойилини илмий асосда аниқлаб беришга ҳаракат қилдилар.

Расадхона уч қаватли, ғоят ҳашамдор ва пишиқ ғиштдан ишланган улкан бино бўлган. Мутахассисларнинг фикрича, бино баландлиги 30,4 метр, айланасини диаметри эса 46,4 метрга тенг. Бинонинг асосий қисмини радиуси 40,2 метрли судс (секстант) деб аталган улкан кузатиш асбоби ташкил қилган. Судснинг сақланиб қолган қисми ер остида жойлашган бўлиб, қолган қисми ер сатҳидан 30 метрча баланд бўлган. Расадхона биноси катталиги, қурилиш услубининг оригиналлиги ва ускуналаниши жиҳатидан Шарқ ва Европа мамлакатларидаги барча бошқа астрономик иншоотлардан устун турган. Судс астрономиянинг асосий доимийликлари – муаддил (экватор) ва фалак ал-бурж (эклиптика) текисликлари орасидаги бурчакни ўлчаш, йилик процессия доимийсини ва бошқа фундаментал астрономий доимийликларни аниқлашга имкон берган. Расадхонада сайёралар, ой ҳаракати текширилган. Кичик ўлчамли асбоблар: амиляр сфера, 2,4 ва 7 халқадан иборат ўлчаш асбоблари, қуёш ва юлдуз соатлари, устурлоб (астролябия) ва бошқалар бўлган. Расадхона ичида катта заллар, турли катта-кичик хоналар, қарийб 15 минг китобга мўлжалланган кутубхона ҳам бўлган [12].

Расадхона биносининг сирти кошин ва сирли парчинлар билан безатилган. Расадхона хоналарига Улуғбек ўзи ва ўзидан олдин ўтган олимларнинг астрономия соҳасидаги муҳим ютуқларини турли шакллар, тасвир ва рақам-нақшлар билан чиздиртиради. У худди шундай услубни илгари ўзининг Самарқанддаги мадрасасида ҳам қўлланган эди. Чунончи, Улуғбек мадраса равоғига сайёраларнинг Қуёш атрофида маълум тартиб билан жойлашишини, бошқача айтганда, фалак буржи (Зодиак) тасвирини солдирганди. Ушбу тасвир мадрасага кираверишда бино пештоқиға ишланган ўн икки бурчли шакл ва унинг ичидаги инсон кўзи ва қорачиғини

эслатувчи нақш сифатида ҳозиргача сақланиб қолган. Шакл ичига, афтидан, асосий мақсадни шариат пешволаридан ниқоблаш учун, Қуръондан олинган ахлоқ ҳақидаги суралар ёзилган.

Фалак буржи каби илмий маъно англатувчи тасвирлар мадраса биносининг бошқа пештоқлари ва ичкари ҳовли безакларида ҳам учрайдики, улар келажакда ўрганишга лойиқ бўлган зарур тарихий маълумотлардир. Ҳудди шундай тасвирлар: фалакиёт, ер кураси, етти иқлим билан боғлиқ бўлган кашфиётлар, муҳим белги ва рамзлар билан расадхона безаклари сифатида унинг ички деворлари ва шипларига ҳам туширилган эди. Уларни ўз кўзи билан кўрган муаррих Абдураззоқ Самарқандий ёзишча: «... у олий бунёд ва улўсифат иморатнинг хоналари ичига тўққиз фалакнинг ҳайъатию тўққиз (осмон) доиралари шакллари даражалар, дақиқалар, сониялардан тортиб то ошираларгача (чўзилди) ҳамда айланувчи фалаклар, етти сайёра, собита юлдузлар кўриниши ва ер кураси ҳайъатию иқлимлар суратларини тоғлар, биёбонлар... дилпазир нақшлару беназир рақамлар билан» чизилди [51].

Улуғбек наздида мадраса ва расадхонага ишланган бундай беназир нақш – тасвирлар ушбу бинолар билан узоқ сақланиши ва келажак авлодларга етиб бориши, саводли инсонлар учун келгусида муҳим дастур бўлиб хизмат қилиши лозим эди. Тасвирларнинг мадраса ва расадхонахоналарига чизилиши эса улардан ҳамма саводли кишиларнинг баробар фойдаланиши имконини туғдирарди. Улуғбек вақт ўтиши билан илмий ютуқлар мажму бўлган ушбу тасвирларнинг халқ мулкига айланажасига ишонган эди.

Расадхонанинг бунёд этилишида унинг жойини танлашдан тортиб то жиҳоз-ускуналарини ҳозир қилгунга қадар ўз замонасининг машхур олимлари (математик ва астроном Қозизода Румий, Гиёсиддин Жамшид Кошоний, Али Қушчи ва таниқли меъморлар усто Исмоил ва унинг ўғли) Улуғбекка ҳамкор бўлдилар. Расадхона яратилишида Шарқ ва Ғарбда

йиғилган бой илмий мерос, билан ва амалий тажрибалар асос қилиб олинди. Марвон II (744-750) замонасида Дамашқда қурилган расадхона, IX асрнинг бошларида ишга тушган Боғдод расадхонаси, Носириддин Тусий номи билан боғлиқ бўлган Мароға (XIII аср) расадхоналарининг илмий ишлари ва қурилиш тажрибалари, машҳур юнон олимлари Афлотун, Арасту, Гиппарх, Птолемей таълимотлари, улуғ ватандошларимиз Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий ва бошқаларнинг ажойиб илмий асарлари ва тажрибаларига таяниб иш кўрилди. Ҳар қалай расадхона қурилиши жуда мураккаб бўлганлиги сабабли, у беш йилга чўзилди [12].

Расадхона этагида Улуғбек иккита мумтоз чорбоғ ҳам қурдирган эди. Бири Боғи майдон, иккинчиси эса Чиннихона номини олганди. Боғи майдонга икки ошиёнли чилстун номли гўзал ва маҳобатли кўшк қурилган бўлиб, унинг девор ва устунларига мрамрдан сайқал берилганди. Чиннихона боғидаги икки иморатнинг бири тошдан, яна бири рангли Хитой чиннисидан ишланганди. Иморатгина эмас, ҳовузи, қувурлари, зинапоялари, айвонларигача чиннидан эди. Бу боғлар Улуғбек расадхонадан чиқиб дам олар, мутолаа қилар, илмий мунозара ва давлат кенгашларини ҳам ўтказар эди.

Расадхона битгач, Улуғбек ва унинг ҳомийлигидаги таниқли ва машҳур олимлар фан ишларини қизитиб юборадилар. Шогирдлар илмий кузатишларда, жадвал тузишда ҳисоб-китоб ишлари билан машғул бўладилар. Улуғбек бошчилигидаги ушбу «академия» олимлари ўша давр мезони билан олганда, астрономик кузатишларда ажойиб муваффақиятларга эришганлар. Жумладан, эклиптиканинг оғмалигини, бешта сайёранинг – Зухра (Венера), Зухал (Сатурн), Миррих (Марс), Муштарий (Юпитер) ва Уторуд (Меркурий)нинг йиллик ҳаракатини, юлдуз йилининг узоқлигини, 1018 юлдузни ўз ичига олган жадвал ва, ниҳоят, аҳоли яшайдиган пунктлардан 683 тасининг географик координаталарини тузганлар. 1437 йили

кўп йиллик кузатиш ва илмий мулоҳазалардан сўнг Улуғбек ва унинг шогирдлари «Самарқанд академияси»да ишланган буюк асар – «Зижи жадиди Кўрагоний» («Улуғбек Кўрагонийнинг янги астрономик жадвал»)ни ёзиб тугатдилар. Бу асар кейинчалик Шарқ классик астрономиясининг назарий ва амалий масалаларини ўзида мужассамлаштирган, уни янги далиллар билан бойитган улкан кашфиёт сифатида бутун дунёга танилди. «Зиж» да берилган илмий натижаларнинг аниқлиги ва мукамаллиги пировардида жаҳон олимларини ҳайратда қолдирди. Ушбу шоҳона асар мазмунини ватандошимиз, таниқли олим ва мутафаккир Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий ўзининг «Улуғбек ва унинг илмий мероси» деган китобида Иттифоқда биринчи бўлиб китохонларимизга таҳлил ва талқин қилиб берди[36].

«Зиж»нинг дунёдаги ёйилишида дастлаб Улуғбекнинг содиқ шогирди, математик, астроном Али Қушчи ва Мирам Чалабий ҳамда Абдуллали Биржандийларнинг ҳиссаси катта бўлди. Самарқанд астрономик мактабида Улуғбекнинг ушбу шоҳона асаридан бош қатор ажойиб илмий ишлар яратилдики, улар Самарқанд мактабининг етук олимлари Ғиёсиддин Жамшид, Қозизода Румий ва Али Қушчилар қаламига мансубдир.

Жаҳон фани тарихида Мирзо Улуғбек фаолияти камдан-кам учрайдиган ҳодиса бўлганлиги эндиликда кенг миқёсда тан олинмоқда. У фақат табиий қобилиятлари билангина эмас, шу билан бирга, илм-фанга ниҳоятда меҳр-муҳаббат қўйган ва прогрессив ғояларга қаттиқ ишонганлиги, ҳориб-толмаслиги ва серқирра ҳаётининг барча жабҳаларини бир зайлда олиб борганлиги туфайли шундай даражада эришганди.

Мирзо Улуғбек замонида Мувароуннаҳрда дунёвий фанлардан ташқари тарих, адабиёт ва санъат, айниқса, тасвирий санъат тараққий этганди. Улуғбекнинг укаси Бойсунқур билан ўзаро ёзишмаларида ҳам илмий адабиёт мавзуларида мубоҳаса боргани маълум. Улуғбек шеърятда озарбайжон шоири буюк Низомий Ганжавий услуби ва мактабини устун деб

исботламоқчи бўлса, Мирзо Бойсунқур гениал шоир ва мутафаккир Амир Хусрав Дехлавий ижодиётининг ҳақиқий маҳсули сифатида баҳс қиларди. Улуғбек ўз она тили (ўша даврда чиғатой-туркий тили)дан ташқари араб ва форс тилларини мукамал биларди. Муҳаммад Ҳайдар ўзининг машҳур «тарихи Рашидий» асарида Мирзо Улуғбек «тарихнавис донишманд эди ва «Тўрт улус» тарихини ҳам ёзиб қолдирган эди», деб ёзади. Бу асар Улуғбекнинг «Тарихи арбаъ улус» китоби бўлиб, унда бир вақтлар Чингизхон босиб олган мамлакатларнинг XIII аср – XIV асрнинг биринчи ярмидаги сиёсий ҳаёти акс эттирилган эди [12, 30-б.].

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, буюк олим ва жамоат арбоби Мирзо Улуғбек даврида Самарқандда фақат Ўрта Осиёдагина эмас, балки Шарқда маълуму машҳур бюўлган созандалар, бастакорлар, хонандалар ва раққосалар ижод этардилар. Улуғбекнинг ўзи ана шу истеъдод эгаларининг биринчи мухлиси ва ҳомийси ҳам эди. Тарихчи Ғиёсиддин али кундаликларининг далолат беришича, Самарқандга келган чет эллик элчилар ҳам сарой қабул маросимларида қатнашиб, бу ерда мусиқа тинглар ва тасвирий санъат асарларини томоша қилардилар.

Буюк Алишер навоийнинг таърифига кўра, Улуғбек ажойиб шоир ҳам бўлган. «Тухфату сурур» китоби эса унинг буюк мусиқа билимдони эканлигидан далолатдир. «Муҳит аттафвиқ» китобида Улуғбекнинг «Билужий» «Шодиёна» (бу асар бизгача етиб келган), «Ахлоқий», «табризий», «Усули равон», «Усули баҳрий» сингари катта мусиқа асарларини ижод этганлиги кўрсатилган. Улуғбек ҳомийлигида Самарқандда Дарвеш Аҳмад Самарқандий, Султон Аҳмад Нойй, Ҳосими Абувафо, Муҳаммад Али Ғарибий, Юсуф Бурхон Наққорачи (Навоийнинг амакиси), Мавлоно Соҳиб Балхий, Абул барака ва бошқа санъаткорлар ижод билан банд бўлганлар. Шунингдек, Улуғбек мадрасасининг кўзга кўринган мударрислари - қомусий олимлар Мавлоно Муҳаммад Ҳавофий, Саид Имомиддин, машҳур тиб олими Ҳожа Бурхониддин Нафис, йирик

адабиётшунос ва тилшунос олим Ҳожа Фазлуллоҳ ҳамда Абулқосим Самарқандий замонасининг пешқадам олимлари сифатида донг таратдилар.

Айрим манбаларга кўра, Улуғбек табобат соҳасида ҳам анчагина мукаммал билимга эга бўлган. У тиб илмига доир «Нафис» номли рисола ёзиб, у соҳада тўпланган билимларни унда ифодалаган. Ёзувчи Тоҳир Малик халқ оғзаки ижодига асосланиб Улуғбекни Самарқандда «Дор уш-шифо» - шифохона қурдиришга ҳам жазм қилганлиги ҳақида ёзади.

Афсуски, Улуғбек қисқа умр кўрди. Унинг илғор тадбирлари ва илмий фаолияти реакцион мусулмон-руҳонийлари томонидан қаттиқ қаршиликка учради. Шариат пешволари ва ватан хоинлари раҳнамо бўлган фитна натижасида Улуғбек 1449 йил 25 октябрда вахшийларча ўлдирилди. Биз Улуғбек ҳақида фикр юритар эканмиз, у нималар қилишга улгуролмагани хусусида эмас, балки нималарни рўёбга чиқарганлиги учун олимни фахрланиб эслаймиз ва унинг ўчмас хотирасини эъзозлаймиз. Академик В.В.Бартольд таъбири билан айтганда, мусулмон оламида унингдек захматқаш одил подшоҳ бўлмаган. Улуғбекнинг замондошлари ҳам худди шу фикрда эдилар. Уни Абдураззоқ Самарқандийнинг куйидаги мисраларидан ҳам қиёс қилиш мумкин:

Чун улуғ Мирзо дар илми хандаса,
Нотавон ёфт дар ҳазорон мадраса.

Маъноси: геометрия илмида мингларча мадрасаларда ҳам Улуғбекдек олимни топа олмайсан.

Алишер Навоий эса ўзининг «Фарҳод ва Ширин» достонида Улуғбекнинг сайёралар ҳақида яратган шоҳона асарига юксак баҳо беради:

Темурхон наслидин Султон Улуғбек,
Ки, олам кўрмади султон анингдек.
Анинг абной жинси бўлди барбод,
Ки давр аҳли биридин айламас ёд.
Ва лек ул илм сори топди чун даст,

Кўзи оллинда бўлди осмон паст.
Расадким боғламиш зеби жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир осмондур.
Билиб бу навъ илми осмоний,
Ки ондин ёзди «Зижи Кўрагоний».
Қиёматга деганда аҳли айём,
Ёзарлар анинг аҳкомидан аҳком.

Улуғбек ҳаёти ва фаолияти ҳақида гапирар эканмиз, буюк олимнинг илмий меросини асрлар ғуборидан тозалаб, маданиятимиз тарихининг улкан ва ёрқин бир саҳифасини кўзимиз олдига келтирган зотларни ҳам эсламай иложимиз йўқ. Биз юқорида уларни қисман эслаб ўтдик. Улар орасида Улуғбек илмий ва тарихий муҳитига ҳаммадан кўра кенг ёндошиб чуқур кириб борган, Улуғбек бошлиқ астрономлар мактаби меросини кенг кўламда ёритиб берган забардаст олимлар борки, Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий ва Бўрибой Аҳмедовлардир. Агар Қори-Ниёзий бизга Улуғбекнинг ўзини кашф қилиб берган бўлса, Бўрибой Аҳмедовнинг тадқиқотлари ушбу кашфиётга узукка қўйилган кўздек ажойиб чирой бахш этди.

Улуғбек бошлаб берган файзли ишларни совет олимлари ва астрономлари самарали давом эттирмакдалар. 1928 йилда Ўзбекистонда астрономик кенглик станцияси – обсерватория ташкил қилиниб, унга Улуғбек номи берилди. Қазиб топилган Улуғбек расадхонаси қошида 1964 йили Улуғбек музейи очилди. 1966 йили Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академияси қошида Астрономия институти ташкил қилинди. Ўша йили Самарқандда меъморчилик-қурилиш институти очилиб, унга ҳам Мирзо Улуғбек номи берилди. Зотан, Улуғбек бобомизнинг ўзи таърифлаганидек, подшоликлар емирилиб, ўтмиш дунё ўтиб кетмоқда, аммо олимларнинг иши абадул-абад қолажак. Буюк аллома Мирзо Улуғбек абадияти ҳам ҳамиша шундай барҳаётдир.

2-БОБ. ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА МОВАРОУННАХРДА МОДДИЙ-МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТ РАВНАҚИ ВА УНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

2.1. Темурийлар Ренессанси даврининг жаҳон маданияти ва санъати тарихидаги ўрни

Амир Темур (1336-1405) XIV асрда буюк темурийлар давлатига асос солди ва 27 та подшоликни бирлаштирди. Темурийлар мамлакатни уч асрга яқин бошқардилар. Амир Темур ҳаёти ва фаолиятида икки давр кўзга ташланади. Биринчи даврда Темур Мовароуннахрни Мўғул хонлигидан озод қилди ва бирлаштирди, иккинчи давр эса Темурнинг уч йиллик, беш йиллик деб аталувчи ҳарбий юриши билан характерланади.

Амир Темурнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари, давлатни қуриш ва бошқариш, халқаро дипломатик муносабатлар, қўшничилик, барқарор ҳамкорлик, сулҳпарварлик сиёсати, урушларнинг олдини олиш, мамлакатнинг иқтисодий фаровонлиги, қонунчилик, қонун устуворлиги, қонун олдида барчанинг тенглиги, қонуннинг инсонпарвар бўлишининг аҳамиятини Узоқ Шарқ - Хитой, Франция, Испания, Италиялик сиёсатчи, элчи ва саёҳатчилари, илм-фан маданият арбоблари юксак баҳолашган.

Амир Темур даврида Марказий Осиёнинг мустақил давлат қилиб бирлаштирилиши мамлакатнинг иқтисодий-маданий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади. Илм-фан, адабиёт ва санъат, ҳунармандчилик ва меъморчилик равнақ топди. Мамлакат ва пойтахт Самарқанднинг ободончилиги йўлида маҳаллий чет мамлакатлардан кўплаб фан ва санъат аҳллари, ҳунарманд меъморларни ва мусаввирларни тўплади.

Темур марказлашган давлат тузиш жараёнида ишлаб чиқаришга, хусусан қишлоқ хўжалигига алоҳида эътибор берди. Марказий Осиёда эса

қишлоқ хўжалиги сунъий суғоришга боғлиқлигини яхши тушунган Темур Ангор каналини қазирди, Мурғоб водийсида суғориш ишларини йўлга қўйди. Самарқанд, Шаҳрисабз, Хуросон ўлкаларини сув билан таъминлади. Ободончилик, янги ерлар очиш, боғлар барпо этиш каби тадбирларни амалга оширди. Ўнлаб каналлар, ариқлар қазилди, дарахтзорлар, экинзорлар, боғроғлар яшнаб, тўкин-сочинлик юзага келди. Деҳқончиликда донли экинлар, пахта, зиғир экилган. Бўёқ учун рўян ўсимлиги, шунингдек пиллачиликда тутлар кўп экилган. Узум, лимон етиштирилган. Хориждан келган сайёҳлар, элчилар мамлакат гўзаллигидан хайратга тушганлар. Бундай тадбирлар нафақат бизнинг юртда, балки салтанат таркибидаги бошқа мамлакат ва маконларда ҳам амалга оширилганлигини таъкидлаш лозимдир.

Бу ҳақда таниқли тарихчи Шарафиддин Али Яздий шундай гувоҳлик беради: “Олам равнақи ва рўшнолиги йўлида ҳафсаласи ниҳоятда баланд бўлган Амир Темур ободончиликка ярайдиган бирон парча ернинг зое бўлишини раво кўрмасди” [34].

Амир Темур Озарбайжонда ҳам сунъий суғориш тизимларини бунёд этиш ишларига катта аҳамият берганини биламиз. Чунончи, Қорабоғда бўлиб турган пайтида Соҳибқирон ўша атрофда узунлиги 60-70 км келадиган Барлос каналини, шунингдек, узунлиги 35-40 км келадиган Бойлақон каналини қазиргани маълумдир.

Умуман, Амир Темур қазирган каналлардан бизларга маълумлари деб қуйидагиларни айтиб ўтиш мумкин: Дилкушо, Ганжравон, Дарбанд, Ганжхона, Умар Табон, Оқбуға, Қутлуқ Хотун, Шайх Али, Давлатшоҳ Жондор, Гулбоғон, Қутлуғ Темур, Хасан Жондор, Амир Аловуддин, Наврўз, Навбатхон, Кепанчи, Али Малик каналлари. Юқорида тилга олинган Қутлуқ Хотун канали афтидан Амир Темур опаси Қутлуғ Туркон Оғо номига берилган бўлиши керак [13, 192-б.].

Темур ҳаётлик даврида унинг сарой деворларида шоҳ ва шахзодалар сой бўйида тасвирланиб, ҳақиқий портрет жанрини Камолиддин Бехзод

шакллантирди. Умуман, Темур ва темурийларнинг қиёфалари тасвирланган кўплаб миниатюралар дунёнинг турли кутубхоналарида сақланмоқда. Уларнинг аксариятида расм чизилган давр ёки рассом, жой, мактаб кўрсатилмаган. Бироқ, табиат тасвирида тўқ яшил ва жигарранг кўплиги, кийимлар туркий миллатга хос бўлганлигидан бу миниатюралар Самарқанд миниатюрачилиқ мактабига мансуб дейиш мумкин.

Улуғбек даврида Самарқанд мактабига хос бўлган 18 миниатюра Низомийнинг “Хамса” асарига ва 49 миниатюра “Шоҳнома” асарига ишланган. Шарқ миниатюрачилигида оддий халқ ҳаёти мавзуи темурийлар даврида пайдо бўлган. Масалан, “Самарқанд масжидини қуриш”, “Искандар деворини бунёд этиш”, “Кўчманчилар турмуши”, “Жамшиднинг оддий халққа ҳунар ўргатиши” мавзусидаги миниатюралар бунга мисолдир.

Умуман, Самарқанд миниатюрачилари манзарани тасвирлашда маҳоратлидирлар [17, 136-137-б.].

Камолиддин Бехзод (тахм. 1455-1535 й.) Ҳиротда туғилди. Ўз истеъдоди билан Алишер Навоий диққатини ўзига тортди. Кейинчалик унинг хомийлигида буюк санъаткор даражасига кўтарилди. Бехзод Ҳиротда туғилиб, Алишер Навоий даврасида ижод қилган бўлса ҳам, темурийлар инқирозга юз тутгач, у ҳам кўпгина санъаткор ва рассомлар қатори Бухорога кўчиб ўтди. Ўзининг машхур асарларидан бири Шайбонийхон портретини ҳам шу ерда яратди. Кейинроқ қисқа вақт Табризда, сўнг қолган умрини Ҳиротда ўтказди. У шоирлар асарларига иллюстрациялар чизди, портретлар ишлади. Жанг ва ов манзараларини, жумладан Саъдийнинг “Бўстон”, “Тулистон”, Низомийнинг “Хамса”, Деҳлавийнинг “Хамса”, Шарафиддин Али Яздийнинг “Темур зафарномаси” асарларига расмлар ишлаган. Алишер Навоийнинг кўпгина дostonларини ҳам ўз суратлари билан беаган. Навоий, Жомий, Ҳусайин Бойқаро ва Шайбонихоннинг Бехзод томонидан ишланган портретлари мавжуддир.

Махмуд Музаҳиб Бехзод таъсирида камол топди. У Шайбонийлар, Убайдуллахон ва Абдулазиз саройида хизмат қилган. Бу мусаввир ўзининг китоб безаш ва миниатюра ишлаш борасидаги юксак маҳорати учун “Музаҳиб” - “олтин сув юритувчи” тахаллусига лойиқ бўлди. Унинг илк асари Алишер Навоийнинг ҳассага таяниб турган ҳолатини тасвирловчи портретдир. Унинг асарлари орасида айниқса, “Султон Санжар ва тўқувчи қари кампир учрашуви” расми диққатга сазовордир.

Марказий Осиёнинг яна бир йирик мусаввирларидан бири Муҳаммад Мурод Самарқандийдир. У қаҳрамонлик темаларида қатор миниатюралар яратди. Хива хони учун тайёрлаган “Шоҳнома” кўлёмасига 115 миниатюра ишланган.

Амир Темур илм-фан ривожини учун ғамхўрлик қилиши туфайли Самарқанд дунёнинг маърифий марказига айланди. Машҳур олимлар Самарқандга келди. Масалан, Қозизода Румий, табиб Хисомиддин Кермоний, фалакшунос Мавлоно Аҳмад, Улуғбек даврида турли мамлакатлардан келган 100дан ортиқ олимлар илмий ва ижодий фаолият кўрсатган.

Фалакиётшунослик фанида Улуғбек, Қозизода Румий, Ҳисомиддин Жамшид ва Али Қушчилар янги кашфиётлар қилди. Тарих илмида Шарафиддин Али Яздий, Ҳофиз Абрў, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир, Зайниддин Восифий ва бошқалар қимматли асарлар яратди. Бадиий ижод ва тилшуносликда Жомий, Навоий, Давлатшоҳ Самарқандий, Қошғарий каби ижодкорлар юксак санъат асарлари билан машҳур бўлди [17, 138-б.].

Мирзо Улуғбек даврида Самарқандда биринчи академияга асос солинди. Ер қуррасини ўлчаш ва фалакиётшунослик жадвалларини тузиш ишлари амалга оширилди. Улуғбек математикага доир “Бир даража синусини аниқлаш ҳақида рисола”, фалакиётшуносликка оид “Рисолаи Улуғбек” ва мусиқа ҳақида “Мусиқа илми ҳақида рисола” каби асарлар ёзди.

Агар яна Амир Темур даврига қайтсак, Темур дунёнинг қайси бир мамлакати ва шаҳарига бормасин олиму-фузалоларни бир ерга йиғиб, улар билан узоқ суҳбатлашиш, уларнинг фикрини тинглаш, баҳслашиш ишини қанда қилмаган. Масалан, Ибн Арабшоҳнинг ёзишича: “Амир Темур олимларга меҳрибон бўлиб, саййиду-шарафларни ўзига яқин тутарди. Уламолар ва фозилларга тўла-тўқис иззат кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан батамом муқаддас кўрарди. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, ўз икромии ҳурматини унга изҳор этарди...” [22, 69-б.].

Амир Темур Чингизийлардан сўнг ўлиб бораётган фан ва маданиятни яхшилаш борасида ўнлаб фармон ва фармойишлар берган. Масалан, унинг буйруғига кўра олий ўқув юртлари бўлмиш мадрасалар ва уларнинг ўқувчиларини моддий жихатдан таъминлаб, стипендиялари оширилиши кўзда тутилган.

Илм ва маданиятга бундай муносабатни Соҳибқирон умрининг охиригача сақлаб қолди. Бу йўлдан унинг авлодлари ҳам юрдилар. Натижада темурийлар замонида кўплаб мадрасалар, кутубхоналар, мактаблар барпо этилди. Уларда ўқиш ва ўқитиш учун дунёнинг турли бурчакларидан етук олимлар таклиф этилди. Бизга маълумки Чингизхон босқинидан сўнг жуда кўп олимлар, шоирлар, ҳунармандлар, санъаткорлар жон сақлаш ниятида Кичик Осиё, араб ўлкалари, Ҳиндистон томонга қочиб кетган эдилар. Эндиликда эса, чингизийлар даврида таъкибу-сиқувлар, сиёсий остин-устунликлар натижасида илм ва маданият нуқтаи назаридан хувиллаб қолган Марказий Осиё Амир Темур замонига келиб яна жонланиш имконини қўлга киритди.

Натижада турли мамлакатлардаги Марказий Осиёликлар ўз мамлакатларига қайта бошлаганлар. Шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Ҳирот шаҳарларининг маданият ва илм марказига айланиши, бу ерларда бошқа жойлардан кўра ижод учун шароитнинг яхшилиги ўз-ўзидан

хорижий олимлар, шоирлар, санъаткорларнинг бу ўлкага “оқиб келиши”га сабаб бўлган.

Аслини олганда Амир Темур ҳам, унинг авлодлари ҳам ижод қилиш борасида истеъдодли инсонлар бўлган. Темурийлардан 22 таси ижодкор – санъаткор шоир бўлганлар. Булар: Халил Султон, Мирзо Улуғбек, Ҷиёсиддин Бойсунғур, Абдулқосим Бобур, Абдулаттиф Мирзо, Бойсунғур Мирзо, Султон Хусайн Бойқаро, Будиуззамон Мирзо, Шоҳ Ҷариб Мирзо, Муҳаммад Хусайн Мирзо, Мўмин Мирзо, Захириддин Муҳаммад Бобур ва бошқалар нозик дидли шоир бўлганлар.

Шунингдек, Амир Темур даврида мусиқа санъати ҳам янги босқичга чиқди. Янги куй ва кўшиқлар, чолғу асбоблари ва мусиқа назариясига оид асарлар яратилди. Маҳоратли созанда, бастакор ва хофизлар етишди. Улуғбек, Жомий, Навоий ва Биноийлар мусиқа илмига оид асарлар ёзиб, янги куй ижод қилдилар IX - XII асрларда шаклланган 12 мақом бу даврда такомиллашди.

Марказий Осиёда Темур ва темурийлар даврида маданият ривожланди ва камол топди. XIV - XV асрлардаги Мовароуннаҳр ва Хуросондаги маданий тараққиётни буюк соҳибқирон Амир Темур гуллантиб яшнатди.

XV асрда металл буюмлар – уй-рўзғор буюмлари, асбоб-ускуналар, курол-яроғлар кўплаб ишлаб чиқилган. Шаҳарларда мис ва жездан буюмлар ва мис чақалар зарб қилинган.

Шу ўринда темурийлар давридаги пул муомаласига тўхталсак. Амир Темур замонида 6 грамм оғирликдаги кумуш тангалар ва унинг тўртдан бирига тенг 1,5 граммлик кумуш пуллар зарб қилинган. 1,5 граммлик кумуш пуллар “мири” дейилган. Шунингдек муомалада мис пуллар – чақалар ҳам бўлганини биламиз. Тангалар Самарқанд, Бухоро, Ардабил, Астробод, Дарбанд, Табриз, Шероз ва бошқа шаҳарларда зарб қилинган.

Амир Темур фан ва маданият соҳасида, санъат ва меъморчилик йўналишларида, боғ-роғлар яратиш оламида ҳам кўплаб ишлар олиб борган.

Масалан, фақатгина боғ-роғчиликнинг ўзида кўплаб боғлар барпо этган. Биргина Самарқанд атрофида Беҳишт, Шамол, Дилкушо, Баланд, Чинор, Зоғон, Боғинав, Жаҳоннамо, Нақши жаҳон, Гулбоғ, Бўлду, Давлатобод, Амирзода Шохрух каби бир қатор боғларни қад кўтартирган. Улар нафақат боғдорчилик, балки ичидаги қасрлари билан меъморчиликнинг нафис намуналари ҳам эдилар.

Темурийлар давлатининг қудрати айниқса меъморчиликда намоён бўлади. Бу даврда Мовароуннаҳр шаҳарлари қурилишда истехкомлар, шоҳ кўчалар, меъморий мажмуалар кенг кўлам касб этади.

Шаҳарлар эса маҳаллалардан иборат бўлиб, гузарларга бирлашган. Шаҳарларда меъморий мажмуалар шаклланиши Темури ва темурийлар даврининг энг катта ютуғи бўлди. Меъморчилик тараққиёти янги босқичга кўтарилди, иншоатлар сони билан бирга уларнинг шакли ва ҳажми ҳам катталашди. Бу жараён муҳандислар, меъморлар ва наққошлар зиммасига янги вазифалар кўйди. Аниқ фандаги ютуқларни меъморчилик ёдгорликларида кўришимиз мумкин. Иншоатларнинг ички ва ташқи томонларини режалаштиришда геометрик тузилмалардан кенг фойдаланилгани кўринади.

Темурийлар давригача ва ундан кейин ҳам Мовароуннаҳр ва Хуросон меъморчилигида безак ва нақш бу қадар юксалмаган. Темури ва Улуғбек даври меъморчилигида безакда кўп ранглилик ва нақшлар хилма-хиллиги кузатилади [17, 132-б.]. Албатта, рангли безак Марказий Осиё анъанавий меъморчилигининг ажралмас қисми бўлган. Лекин, XIV асрга келиб, бинонинг ички ва ташқи пардози алоҳида ўринни эгаллай бошлади. Марказий Осиё меъморчилигида содир бўлган ўзгаришлар илк бор қўхна Урганчдаги Тўрабек хоним мақбарасида намоён бўлди. Хоразм усталари яратган бу ажойиб ёдгорлик анъаналари кейинроқ Темури фармойиши билан Самарқанд ва салтанатнинг бошқа ерларидан кенг фойдаланилган.

XIV аср охири ва XV аср бошларида Самарқандда катта қурилиш ишлари олиб борилган, ҳашаматли ва гўзал бинолар вужудга келган. Шаҳар қалин девор билан ўралиб, олти дарвоза орқали кирилган. Шаҳарда баланд кўрғон бўлиб, унинг саройлари бўлган. Бу даврда пишган ғиштдан қурилган ва мовий рангли кошинлар билан безатилган мачит, мадраса ва мақбаралар кўп бўлган. Шундай ёдгорликлардан бири масалан, Бибихоним жомеъ масжитидир (XIV-XV асрлар).

Умуман, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Амир Темур ва темурийлар даврида бинолар безагида кўк ва сарғиш, яшил ва айниқса, мовий ранг асосий ўрин эгаллайди.

Марказий Осиё меъморчилигининг ҳақиқий дурдонаси бўлмиш “Шоҳи-зинда”га тўхталмасдан иложимиз йўқ. Бино қурилиши содда, қиррали бўлиб, кўк-мовий гумбаздан ташкил топган. Ички қисми сержилва, деворлари мрамр билан пардозланган. Афсонавий Афросиёб ёнбағрига жойлашган Шоҳизинда XI - XII асрларда бу ерда қурила бошлаган мақбаралар ўрнига қурилган бўлиб, бу жой ислом динига қадар ҳам муқаддас сиғиниш жойи бўлган. Афсоналарга кўра, шу ерда кейинроқ мусулмонлар авлиёси бўлган Қусам ибн Аббос мақбараси бўлиб, гўё у шу ерда тирилиб, ер остига кириб кетган ва охиратгача шу ерда яшашга қарор қилган экан. “Шоҳизинда” (тирик подшо, тирик шоҳ) номи ҳам шундан олинган.

Ҳозирги “Шоҳи-зинда” ансамбли эса Улуғбек томонидан 1434-1435 йилларда қурдирилган. “Шоҳи-зинда” пештоқларидан бирига; “Бу ер жаннат боғи, бу ерда бахт юлдузлари кўмилган”, - деб ёзилган сўзларда бутун ансамблнинг ғоявий-бадий ва фалсафий мазмуни ўз ифодасини топган.

Шаҳрисабздаги Оксарой пештоқларида эса Шер билан Қуёшнинг жуфт тасвири учрайдики, бу ҳам рамзий маънога эга. Оксарой девор ва шифти, гумбази нақш билан зийнатилган. Темур даврида қурилган биноларда кўк ва зарҳал ранглар устун бўлиб, дабдабали нақшлар ишланган. Улуғбек даврида эса Хитой чиннисига ўхшаш оқ фондаги кўк нақшлар кўп учрайди.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Темур ва темурийлар даврида қурилган ҳар бир бино ўзининг ғоявий-фалсафий мазмунига эгадир. Шунга қарамай бу даврда қурилган саройлар асосан икки хил йўналишда хизмат қилишган.

Биринчиси – маъмурий-сиёсий мақсадда бўлиб, қалъа ёки шаҳар ичида қурилган.

Иккинчиси - шаҳар ташқарисидаги тоғларда қурилган қароргоҳларда қабул маросимлари мажлислар ўтказилган ва хордиқ чиқарилган.

Темур ва Улуғбекнинг асосий қароргоҳи Самарқанддаги Кўксарой ва Бўстонсаройлардир.

Амир Темур ва Темурийлар даврида Марказий Осиё, Мовароуннаҳр ва Хуросон худудларида ўндан ошиқ иншоотлар, бинолар, масжид ва мадрасалар, мақбаралар, турли меъморчилик комплекслари вужудга келди. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин: Шоҳи-зинда, Аҳмад Яссавий, Улуғбек мадрасаси, Самарқанд жомеъ масжиди, Оқсарой, Кўксарой, Бўстонсарой, Регистон майдонидаги мадрасалар, Бухородаги катта Жомеъ масжиди ва Мир Араб мадрасаси, Самарқанд Регистонида Улуғбек, Шердор, Тилла қори мадрасалари, Тошкентда Занги ота мақбараси, Шайхонтохур мажмуаси, Қалдирғочбий мақбараси, Кўкалдош мадрасаси, Самарқанддаги 210 гумбазли Кўкалдош жомеъ масжиди, Бухорода Чашмаи Аюб ёдгорлиги, Шаҳрисабзда “Чилустин”, “Чиннихона” саройлари, Ширинбека опа, Туман опа обидалари ва бошқалардир.

Амир Темур ва темурийлар даврида қурилган ўнлаб масжид ва мадрасалар билан биргаликда бу сулола вакиллари ҳонақоҳлар қурилишига ҳам катта эътибор берганлар. Илмий адабиётларга мурожаат қилсангиз ҳонақоҳ атамаси тез-тез учраб турувчи, аммо биз учун мазмуни аниқ, равшан бўлмаган тушунча сифатида маълумдир. Тарихий адабиётларга мурожаат қилсангиз бу атама тўғрисидаги илк маълумотлар Қорахонийлар, Ҷазнавийлар даври маданий ҳаётига доир асарларда, шунингдек,

Жалолоддин Румий, Шарафиддин Али Яздий, Захириддин Мухаммад Бобур, Алишер Навоий, Хондамир ёзган асарларда учратиш мумкин.

Авалло хонақоҳ ўзи нима дейилганда, унинг махсус қурилган меъморий мажмуа эканлиги маълум бўлади. Лекин биз буни ниҳоясига етган хулоса деб ҳам айтолмаймиз.

“Темур тузуклари”да баён қилинишича Амир Темур ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар қуришни, йўловчи мусофирлар учун йўл устига работлар бино қилишни, дарёлар устига кўприклар билан бир вақтда хонақоҳлар қуришни ҳам буюради.

Амир Темурнинг Самарқандда бунёд эттирган обидаларидан бири – Гўри Амир мақбарасидир. Дастлаб бу ерда Темурнинг набираси Мухаммад Султон номидан мадраса ва хонақоҳ қурилди. Мадраса аслзода хонадонларнинг фарзандларига дунёвий илмлардан таълим беришга мослашган бўлса, хонақоҳ эса донгдор зиёратчиларни қабул қилишга мўлжалланган [25]. Шу худудда жойлашган Шоҳизинда мажмуасида эса Амир Темурнинг рафиқаси Туман оғонинг ҳам қурдирган иншоати мавжуд. Бу иншоат мулозимхона, масжид, хонақоҳ ва Туман оғо мақбарасидан иборат.

Испания элчиси Клавихо қолдирган маълумотларга кўра Темурнинг катта хотини Бибихоним ҳам Самарқанддаги Темурнинг жомеъ масжиди қаршида мадраса ва хонақоҳ биноларини бунёд эттиради. 1408 йили Бибихоним ҳаётдан кўз юмгандан сўнг, ўзининг мадрасаси ёнидаги хонақоҳга мўмиёланиб дафн этилади. Сароймулкхоним дафн этилган бино унинг ўзи қурдирган хонақоҳ бўлиб, айнан шу ер танланганлигига сабаб эса хонақоҳнинг Бибихоним мадрасаси ёнида жойлашганлигидан дейиш мумкин. Демак, Сароймулкхоним хонақоҳи унинг ўлимидан кейин мақбарага айлантирилган ва кейинчалик “Бибихоним мақбараси” деб номланган [50].

Шунингдек, Амир Темур фармойишига кўра қурилган Хўжа Ахмад Яссавий ва Зангиота мақбараларида ҳам хонақоҳ мавжуд бўлган. Демак,

хонақоҳ нафақат алоҳида иншоат бўлибгина қолмай, балки бирор бир йирик диний-маърифий мажмуанинг бир қисми бўлган, дейиш мумкин.

Хўжа Ахмад Яссавий мақбараси ўз даврида улкан хонақоҳ, масжид-мадраса вазифасини ҳам бажарган. Ўша даврда у ерда катта кутубхона бўлган. Табризлик уста Абдулазиз ибн Сарвариддин ишлаган “Ўқирк қулоқли қозон” эса хонақоҳнинг энг катта зали – қозонликқа ўрнатилиб, унинг ўнг ва чап томонидан бошқа бўлмалар жойлашган.

Амир Темурнинг кичик ўғли Шохруҳ Мирзо ҳам бир қатор қурилишлар қилиб, Ҳиротда Шохруҳия мадрасаси ва хонақосини бунёд эттиради. Шохруҳнинг бундай “Қўш - эгизлик” услубида иншоат бунёд этиши мадраса ва хонақоҳлар ҳамиша “эгизак” бино сифатида баробар ва бирга қурилган, деган хулосани ҳам бериши мумкин.

Абдураззоқ Самарқандийнинг гувоҳлик беришича Шохруҳ Мирзо хонақоҳнинг шайхлик лавозимига Хўжа Алоуддин Али Чиштиини тайинлайди. Кейинчалик Абдураззоқ Самарқандийнинг ўзи ҳам Шохруҳия хонақосида шайхлик қилади ва шу ерда ўзининг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарини ёзиб тугатади. Умуман олганда, Шохруҳ отаси Амир Темурнинг йўлини тутиб Ҳиротда кўплаб мадраса, масжид, мақбара, карвонсарой, хаммом ва шифохоналар бунёд эттириш қаторида хонақоҳлар қурилишига ҳам алоҳида эътибор қаратади.

Амир Темурнинг набираси Улуғбек ҳам отаси ва бобосининг изидан кетиб илму-маърифатни ривожлантириш учун мадраса ва хонақоҳ қурилишга катта аҳамият беради. У 15 йил аввал қурилган Темурнинг жомеъ масжиди ва Бибихоним мадрасаси қурилишидаги “эгизаклик” услубини танлади. Улуғбек мадрасасининг бошқа мадрасалардан фарқи шунда эдики, у Самарқанд мадрасаси қошида ўзга шаҳарлардан келган машҳур фозилу-уламо ва илмталаб ёшлар учун алоҳида хонақоҳ ҳам қурдиртиради. Мадраса ва хонақоҳ учун жойни Улуғбекнинг ўзи танлаб, “Сардувоник” мавзесида (Регистон майдони) тўхтади. Машҳур адиб Зайниддин Васифийнинг хабар

беришича, Улуғбек мадрасаси ва хонақоҳига ўн нафар мударрис тайин қилинган экан. [21, 17-б.]

Марказий Осиёда темурийлар билан бир қаторда ўз даврининг етук фозилу-уламолари, бадавлат хоқимлару мирзолари ҳам ўз юртларини ҳар томонлама ривожлантириш учун хиссаларини қўшишга ҳаракат қилганлар.

Бу ҳақида биз мавлоно Шарафиддин Али Яздий, Лутфий, Абдурахмон Жомий, тарихчилар Мирхонд, Хондамир, Алишер Навоий асарларидан ҳам билишимиз мумкин. Бу улуғ зотлар илму-маърифатни нафақат ўз асарлари билан, балки ўзларининг ҳулқ-атворлари, қилган амаллари билан ҳам бойитиб борганлар. Масалан, Алишер Навоий фуқаро ва дарвешларнинг фаровонлиги, ғариб ҳамда мусофирларнинг фароғати учун кўплаб жамоа бинолари, ва иншоатлари: хонақоҳ, масжид, мадраса, карвонсарой, ҳаммом, работ, ҳовуз ва кўприклар қурдирган. Тарихчи Хондамир Навоий қурган баъзи иморатларни санаб ўтади: 52 работ, 18 масжид, 3 мадраса ва хонақоҳ, 16 кўприк, 19 ҳовуз, 9 ҳаммом ва бошқа бир қанча иншоатлар.

Алишер Навоий халқпарвар ва ибратли кишиларнинг қабрлари устида ҳам ёдгорликлар, сақаналар, хонақоҳлар қурдирган. Масалан, “Жамоатхона” хонақоҳи – Ҳирот ҳиёбонида бўлган Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Табодқоний сармозорида жойлашган. Хонақоҳи Зиёратгоҳ – бу ерда эса Навоий фақир ва мискинларга овқат берганлар.

Хонақоҳ ҳақида замонамизнинг етук олимлари ҳам ўз асарларида, изланишларида фикр ва мулоҳазаларини билдириб ўтишган. Хонақоҳ муайян тасаввуф тариқати пешвоси - шайхнинг муридлари яшайдиган ва пир-муршидлар тарбияланадиган жой – деб таъриф беради таниқли олим, филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комилов.

Хонақоҳ қалб қувватини, хиссий билиш кучини оширишга йўналтирилган, тизимий асосларда фаолият юритувчи таълим муассасаси ҳамдир. Шунингдек, обрў-эътиборли шахслар, уламолар томонидан қабристонлар, азалдан муқаддас жойлар ҳамда зиёратгоҳларга яқин жойларда

барпо этиладиган диний-маърифий, меъморий мажмуа ҳамдир. Хонақоҳларда яшаш маърифат ва тарбия олиш, пир билан бирга тарғибот ишлари билан шуғулланиш имкониятларини яратади.

Хуллас, миллий маънавиятимизнинг муҳим марказлардан бўлиб, халқимиз тарихида чуқур из қолдирган хонақоҳ куйидаги ижтимоий моҳиятни касб этиб келган:

1. Хонақоҳлар маънавият тарқатувчи ижтимоий институт ҳисобланган.

2. Хонақоҳлар маърифий муассаса ҳисобланган ва мадрасалар қошида ташкил этилган.

3. Хонақоҳлар исломий мазҳаблар таҳлили, диний талқинлар муҳокамаси учун махсус қурилган демократик бахслар маскани ҳам ҳисобланган.

4. Хонақоҳлар тасаввуф ақидаси тарафдорлари учун муҳим ижод этиш мумкин бўлган бошпана вазифасини бажарган.

5. Хонақоҳларда кутубхоналар мавжуд бўлган ва илмий, диний ижодиёт учун моддий ва маънавий шарт-шароитлар ҳозирланган.

6. Хонақоҳларда шайхларда билан бир пайтда мударрислар ҳам машғулотлар ўтказганлар.

7. Хонақоҳларда диний таълимотлар билан бирга дунёвий ижодиётга, хусусан, шеърят, тарих, коллиграфия жанрларида изланишлар қилиш учун ҳам имкониятлар берилган.

Меъморчилик ва илмий марказлар билан биргаликда шунингдек, Амир Темур ва Улуғбек даврида тасвирий санъат турли йўналиш бўйича юксалди. Ислонда жонли нарсалар тасвири рағбатлантирилмаганлиги сабабли тасвирий санъатда нақшнинг равнақига сабаб бўлди. Марказий Осиёда араблар босқини туфайли тўхтаб қолган деворий суратлар ва умуман тасвирий санъат Темур даврида янги шакл ва мазмунда тикланди. Хаттотлик - қўлёзма адабиётининг ажралмас бир қисми ҳисобланган. Миниатюра –

тасвирий санъатга аввало нақш сифатида қаралган. Айниқса Темур ва темурийлар даврида “расм чизиш” санъати равнақ топган. Самарқанддаги темурийлар сарой-қароргоҳларида қабул маросимлари, жанг воқеалари, ов манзаралари, халқ байрамлари тасвири туширилган деворий суратлар бўлган.

Улуғбек даврида ҳам деворий суратлар мавзу жихатидан ранг-баранг бўлиб, услуби жихатидан миниатюрага яқин бўлган. Самарқанд расадхонасида тўққиз фалак кўриниши, етти гардиш, етти юлдуз, вақт бўлимлари, Ер юзининг етти иқлими тасвирланган.

Амир Темур даврида Самарқандда миниатюра рассомчилик мактаби ташкил топди. Миниатюра рассомчилиги адабиёт билан боғлиқ равишда ривожланган. Мусаввирлар асосан Фирдавсий, Низомий, Деҳлавий, Жомий ва Навоий асарларига расмлар ишлаганлар. Айрим ҳолларда Макка ва Мадина туширилган. XV аср миниатюраларининг аксариятида қаҳрамонлар – Лайли ва Мажнун, Хусрав ва Ширин, Рустам, жанг лавҳалари тасвирланади. [17, 134-135 б.]

2.2. Темур ва темурийлар даври маданиятини ўрганишнинг ҳозирги давр учун аҳамияти

Амир Темур йирик давлат арбоби, икки таълимот билимдони, комил инсонлик хислати, фазилатларига, юксак маънавий баркамолликка эга бўлган шахсдир. Президентимиз Каримов И.А. уни ҳурмат билан тилга олар экан: “Амир Темур ёшлик чоғидан мард, довбюрак, ғурурли, ўткир зеҳн ва ақлу илрок эгаси бўлиб ўсди. Турли дунёвий илмларни, харбий санъатни эгаллади. Қуръони Каримни ёд олди, ҳадис илмини ўрганди. Иймон-эътиқодли, ҳалол-поқ инсон бўлиб етишди”, – деб холисона соҳибқирон бобомизга баҳо берган [1].

Ҳақиқатда улуғ бобокалонимиз Амир Темур улуғлигида ўзига хос маънавий сифатлар ётади. Ана шундай таъриф бир қатор темурийзодаларга ҳам хос бўлиб қарийиб 35-тадан ортиқ Амир Темур фарзандлари, невалари, чеваралари нафақат подшоҳлар, балки йирик илму-фан арбоблари бўлиб, халқимиз маъравий маданиятига муносиб ҳисса қушган фазилатли зотлар эди. Амир Темур ва темурийларнинг маънавий-маданий фазилатлари ҳақидаги билимларимиз фақат халқимиз ўз мустақиллигини қулга киритгандан кейин ўрганишликка киритилди. Собиқ чор Россияси ва собиқ советлар даврида сохталаштирилган тарихимиз, миллий қадриятларимиз қайта тикланди. Уни чуқур ва атрофлича ўрганиб халқимизга етказишга имконият яратилди. Янги-янги тарихий китоблар чоп этилиб, Амир Темур ҳақидаги билимларимиз кенгайиб бормоқда. Шу жумладан, Амир Темур ва темурийлар даври тарихи, миллий қадриятлар қайта ўрганилмоқда. Шу даврнинг салоҳияти, тарихий сабоқлари қанча чуқурроқ ўрганилишга ҳаракат қилинган сари янги-янги бой тарихий маълумотларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бу даврнинг тарихий сабоқлари, ҳозирги ва келажак авлод учун намунавий маънавий тарбия ролини бажаришда зарурий, керакли манба бўлади.

Ана шу мақсадда Ватанимизда яратилаётган янги авлод адабиётлари қаторида Амир Темур ва Темурийлар даври маданияти тарихига бағишланган китоблар чоп этирилса, ёш авлодга, айниқса, талаба ёшларга таълим-тарбия беришда, уларда халқимиз, Ватанииз ҳақида миллий давлатчилигимиз, миллий урф-одатлар, қадриятлар ҳақида, буюк олиму-уламолар, машхур саркардалар, давлат арбоблари, миллий қахрамонлар, шу жумладан, Амир Темур, темурийлар ҳақида янги билимларга эга бўладиган тарихий ҳақиқат асосида уларга нисбатан тўғри тушунча пайдо бўлиши муқаррар деган хулосага келамиз.

Амир Темур ва темурийларнинг моддий ва маънавий маданияти ўқувчи ва талаба ёшларга ўргатилар экан, улардан кутиладиган асосий мақсад ёшларимиз келажакда маънавиятли, комил инсон бўлишидир. Чунки юксак

маънавиятли инсон умумхалқ манфаатини кузлаб, давлат ва жамият учун ўз тақдирини Ватан тақдири билан боғлайди, Ватан учун куйиб-ёнади, Ватан рухи билан яшайди. Ватан куч-қудратини оширишга, мустақкамлашга бор кучи, имконияти ва билимини сарф қилади. Амир Темур ва темурийлар ана шундай ақл-заковатли маънавиятли инсонлар булганлар. Ана шундай тарбияни Амир Темур ёшлигида ота-онасидан олиб темурийларга ҳам шундай рухда тарбия берди.

Амир Темурнинг 4-ўғли, 2-та қизи бор эди. ўғилларидан: Гиёсиддин Жаҳонгир Мирзодан 2-та ўғил, 10-та неvara, 1-та чевара; Умаршайх Мирзодан 5-та ўғил, 18-та неvara, 14-хевара; Жалолиддин Мироншоҳ Мирзодан – 6-та фарзанд, 4-та неvara, 11-та чевара, 8-та хевара, Шохрух Мирзодан – 7-та ўғиллари, 13-та неvarаси бўлиб, уларнинг ҳаммаси қобилиятли сиёсий-давлат арбоби, саркарда, илму-фанга қизиққан, халқига содиқ кишилар бўлганлар, уларнинг ҳар бири ёш авлод учун муносиб намуна бўладиган кишилар бўлиб, тарихда ўз номларини қолдиришга эришганлар.

Хуллас, Амир Темур ва темурийлар даври Ватанимиз халқлари тарихида ўзига хос муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирга қадар бу давр тарихи тулалигича ўрганилган эмас. Бу даврнинг тарихини қанчалик чуқурроқ ва тула атрофлича ўрганилишига ҳаракат қилинса шунчалик янгидан-янги тарихий воқеа ва ҳодисаларни маънавий-маданий меросимизга боғлиқ қимматбаҳо ва ноёб тарихий ҳужжатларнинг мавжудлигига ишонч ҳосил қиламиз. Улар нафақат Ватанимиз халқларининг, балки жаҳон халқлари маданиятида ҳам муҳим роль уйнайдиган тарихий воқеаларни эслатадиган ҳужжатлар эканлигининг гувоҳи бўламиз.

Амир Темур ва темурийларга доир ҳозирги кунда мавжуд дастлабки манбалардан уша даврнинг маънавий ва маданий тафаккурини тулиқ тасвир ва тавсифлар берадиган ҳужжатлар галереяси мавжуд бўлиб, уларни атрофлича ва чуқурроқ ўрганилишига ҳаракат қилинмоқда. Айниқса бу

борада Тошкентдаги Темурийлар давлат музейи жамоасининг, Халқаро Амир Темур жамғармасининг ўрни каттадир.

Энди эса мактабда ёки олий ўқув юртида мавзу юзасидан дарс ўтиш усулини тавсия этамиз.

Мавзу: Мирзо Улуғбек даврида Мовароуннаҳр, унинг илм-фан ва маданиятга қўшган ҳиссаси

Дарс мақсади:

А) таълимий мақсад: ўқувчиларга Мирзо Улуғбек давридаги тарихий воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиш, Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳволни тушунтириш, Мирзо Улуғбекнинг илм-фан ва маданиятга қўшган ҳиссасини очиб бериш, Улуғбек Академиясининг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиш;

Б) тарбиявий мақсад: ўқувчиларнинг Она Ватанимизга, миллий қадриятларимизга, аждодлар меросига ва ўтмиш тарихимизга ҳурмат-эътибори ва муҳаббатини ўстириш, уларни ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш;

В) ривожлантирувчи мақсад: ўқувчиларда мустақил фикрлаш, тарихий воқеаларни қиёслаш асосида хулосалар чиқариш ва илмий тафаккур салоҳиятини ўстириш.

Дарснинг жиҳози: расмлар хронологик жадвал, тарқатма материал, харита, техник воситалар (компьютерхонада семинар ўтиш мумкин), Интернет маълумотлари.

Дарс услуби: интерфаол усуллар: лаҳзалик савол-жавоб услуби, ақлий ҳужум, ҳикоя қилиш методи, «кластер» методи, тест синови, психологик ўйин, синквейн методи, «Ким топқир» ўйини.

Дарсларро боғланиш: Ватан туйғуси, математика, астрономия, география, адабиёт, маънавият асослари, Миллий истиқлол ғояси,

манбашунослик, тарихшунослик, тарихий география, ўзбек давлатчилиги тарихи.

Дарсинг «олтин қоидалари»:

1. ўнг қўл қоидасига риоя қилиш;
2. ўзаро ҳурмат ва аҳиллик;
3. ўзгалар фикрини тинглай билиш;
4. фаоллик;
5. вақтга риоя қилиш.

Дарсинг бориши:

- А) саломлашиш;
- Б) навбатчи ҳисоботи ва давомат;
- В) ўқувчиларни дарсга тайёрлаш; такрорлаш;
- Г) ўқитувчи баёни;
- Д) мавзуни мустаҳкамлаш.

Дарс қуйидагича ўтиши мумкин:

Ассалому алайкум. «Бизга мактаб битирувчилари эмас, балки кучли билимга эга бўлган, тарбия кўрган ёшлар керак», деган Юртбошимиз Ислон Каримов. Президентимизнинг ушбу гапларига «Лаббай» деб жавоб берган ҳолда, бугунги дарсимизни бошлаймиз.

Марҳамат, сўз навбатчига, давомат ҳақида маълумотни эшитайлик (Навбатчи ҳисобот беради).

Дарсимиз Мирзо Улуғбекнинг тарихимизда тутган ўрнига бағишланган бўлиб, дарсда қуйидаги гуруҳлар билан иш олиб борамиз:


- 1 қатор – тарих
- 2 қатор – маданият
- 3 қатор – илм-фан

1. Ақлий ҳужум. Ҳар бир гуруҳ ўз номини тарихий жиҳатдан изоҳлайди. Яъни 1 қатор Мирзо Улуғбек даври тарихи, 2-қатор – маданияти, 3 - қатор илм-фан равнақини изоҳлаб беради. Вақт 2-3 минутдан. жами 6-9 минут кетади.

2. Ҳикоя қилиш методи. Ўқитувчининг ёки ўқувчининг ҳикояси тинланади. 5 минут.

3. Ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш мақсадида «Кластер» методикаси қўллаймиз.

Мана бу варақларда (Варақлар ўқитувчи томонидан олдиндан тайёрланади) новдасиз дарахт экилган. У қаторлар номлари билан, ёки «Мирзо Улуғбек» деб номланиши мумкин. Сиз, азиз ўқувчиларим, уни шундай парвариш қилингки, ундан серҳосил новдалар униб чиқсин. Масалан бундай дарахт ҳосил бўлиши мумкин:



(Жавоблар тақдимоти ўтказилади, ғолиб гуруҳ аниқланади. Вақт 5 минут.)

4. Тест синови. Гуруҳларга тест саволлари ёзилган карточкалар берилади. Уларда 10 тадан тест савол-жавоблари бўлиши мумкин. Тўғри жавоблар белгиланади. (Вақт 3-5 минут).

5. Психологик ўйин. Сирли сандиқчада сирли бир жумбоқ бор. Бу 12 буржнинг бири. Уни еган кишининг кўзи ўткир бўлармиш, қуруқликни ўзига душман билармиш – бу нима? (Саволлар 2-3 та бўлиши мумкин. Жавоб: Бу – балиқ. Вақт 2-3 минут)

6. Лаҳзалик савол-жавоб методи:

- 1) Мирзо Улуғбек қачон туғилган?
- 2) Мирзо Улуғбек кимнинг ўғли бўлган?
- 3) Мирзо Улуғбекни машҳур қилган асари қандай номланади?
- 4) «Тўрт улус тарихи» қачон ёзилган?
- 5) Мирзо Улуғбекнинг устози ким бўлган?
- 6) Улуғбек расадхонаси қачон қурилган?
- 7) Улуғбек расадхонасини қайси олим топиб ўрганган?
- 8) Мирзо Улуғбек неча йил ҳукмронлик қилган?
- 9) Уни ким ўлдирган?
- 10) Али Қушчи ким бўлган?

Каби саволлар берилади.

7. Синквейн методи. Дастлаб варақда гапнинг маъносини ифодаловчи сўзлар туширилган гаплар берилган. Керакли сўзларни қўйиб, гап ҳосил қилгач, метод асосига ўтамыз.

Йил _____ йилда туғилган

Исм Унинг тўла исми _____ бўлган

Асар номи Унинг машҳур асари _____ бўлиб,
_____ йилда ёзилган

Ҳар бир гуруҳ доскада тақдимот ўтказди. Баҳоланади. (Вақт 5 минутдан берилади)

8. «Ким топқир» ўйини. Харита тарқатилади. Ўқувчиларга турли саволлар билан мурожаат қиламан. Масалан: Мирзо Улуғбек даврида пойтахт қайси шаҳар бўлган, уни кўрсатинг (Самарқанд, кўрсатилади) ва ҳк. (Вақт 5-10 минут)

9. Билимларимизни синаб, мустаҳкамлаб олдик. Бугунги янги мавзумизни бошлаймиз.

Янги мавзунинг баёни (10-15 минут)

10. уйга вазифа. Савол-топшириқлар. Адабиётлар. Дарс сўнгидаги хулоса.

Мазкур методикага тегишли ўзгартиришлар киритиб, уни мактабда ва олий ўқув юртларида қўллаш мумкин.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Амир Темур ва Темурийлар даврида Мовароуннаҳрда маданий тараққиёт ўз ривожининг юксак чўққисига чиқди. Бу даврни беҳуда Ғарб олимлари “Темурийлар Ренессанси даври” деб аташмайди. Одатда маданият ҳақида гап борганда, кўп ҳолларда хонлар, амирлар ва султонлар, олиму фузалар, ёзувчию мутафаккирлар томонидан яратилган тарихий обидалар, осмонўпар бинолар, илмий-бадий асарлар, халқ амалий санъати намуналарива шу сингари ташқи белгиларга қараб бир томонлама баҳо берадилар. Ўз ҳукмронликлари даврида моддий ва маънавий маданиятнинг ривожланиши ва равнақига ҳомийлик қилган давлат арбобларининг шахсий сифатлари, уларнинг ички маънавий дунёқарашлари ва маданиятлариг унчалик эътибор беришмайди. Ҳозирги кунда бу ўлчов маданийлик тушунчасининг энг нозик ва ўта муҳим кўриниши, томонидр. Шунинг учун ҳам Амир Темур ва Темурийлар даври тарихини, жумладан бу давр маданияти ва санъати тарихини ўрганиш бугунги кунда ҳам ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Темурийлар сулоласининг яловбардори Соҳибқирон Амир Темурни тарихда шу пайтгача ўтган жаҳонгирларнинг бирортаси билан ҳам қиёслаб бўлмайди. Бу фикрни улуғ бобомиз қолдирган маданий ва моддий ёдгорликларгина эмас, балки жаҳон фани ва маънавий маданиятида салмоқли ҳисса кўшган Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур ва бошқаларнинг Темурийлар сулоласидан бўлганлиги ҳам исботлайди.

Айрим ғарб олимларининг таъкидлашича, Соҳибқирон Амир Темур Осиёнинг ҳамма қисмидан ҳадсиз, ҳисобсиз хазина ва бойлик йиғдию Бу албатта, тўғри. Замона зайли билан ўзга ҳудудларни босиб олган жаҳонгир катта ўлжа олиб Ватанига қайтарди. Лекин шуни ҳам билиш керакки, академик Иброҳим Мўминов ўзининг “Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли” рисоласда ёзишича, уларни хасси одамлар каби сақламади: “Буни биринчидан, унинг саройининг бой ҳашаматлилиги,

иккинчидан эса, ҳам ўз резиденциясини (яъни қароргоҳини), ҳам ўз шахрини безаб турувчи ғоят улкан ва муҳташам бинолари исботлайди. Шунинг учун Темурни Чингизхон блан бир қаторга қўйиб, уни ёвуз, ўзбошимча мустабид ҳоким деб атовчиларнинг фикрлари икки томонлама хатодир. У аввало ўзининг ҳолибона қуролини замонасининг одатига кўра ишга солган осиелик ҳоким эди. Унинг душманлари таъкидлаган қабих ишлари ва вайроғарчиликлари ҳам, ҳатто бирор жиноят учун олинган уч эди, холос. Тўғри, бу уч жуда қаттиқ, лекин шу билан бирга адолатли эди” [27, 48-б.]

Манбалардан маълум бўлишича, мўғуллар ҳукмронлик қилган даврда, 1220-1360 йиллар ичида Самарқандда кўзга кўринарли бирорта ҳам бино қурилмаган эди. Амир Темур салтанат тахтига ўтиргандан сўнг Самарқандни ўзининг пойтахтига айлантиргач, шаҳарни мутлақо ўзгартириб юборди. Самарқанд Кўксарой, Бибихоним масжиди, Шоҳи Зинда мақбараси, Гўри Амир қурдирди, боғлар барпо этди. Йўллар ва кўприклар қурдирди. Бошқа шаҳар ва қишлоқларда бозорлар ва карвонсаройлар, ҳаммомлар, мадрасалар ва мақбаралар қурдирди. Каналлар ўтказди. Амир Темур даврида Самарқандда, Тошкентда, Бухорода, шахрисабз, Қарши ва Туркистонда, Ҳирот, Машҳад, Қобул, Нишопур ва бошқа шаҳарларда улкан яратувчилик ишлари олиб борилган. Умуман, Амир Темур даврида Мовароуннаҳрда маданият ва санъат шу даражада ривожланган эдики, бугунги кунда Ўрта осие санъатининг кўзга кўринган тадқиқотчилари – санъатшунослик фанлари докторлари Л.И.Ремпель ва Г.А.пугаченковалар ўша давр санъатини ҳар томонлама кенг таҳлил қилиб, олиб борилган текширишлари натижасида XIV аср охири – XV аср бошларида умуман Мовароуннаҳр, Хуросон, Самарқандда янгича санъат юзага келганини қайд этдилар. Амир Темур ва Темурийлар давридаМолвароуннаҳр Ўрта Осиенинг оригинал, ўзига хос меъморчилик санъати хусусиятларини ҳамда Ўрта ва Яқин Шарқда ривожланган бадий тафаккур асосини ифодалаган эди, деб таърифлайдилар. [28, 29,30]

Бу муаллифлар ўша даврда Мовароуннаҳр Яқин ва Ўрта шарқ ижодий кучларининг бош марказига айланганини, санъатда янги йўналиш пайдо бўлганлигини таъкидлайдилар. Бу фикрни Амир Темурнинг замондошлари ҳам ўз асарларида ёзиб қолдиришган. Масалан, Ибн Арабшоҳ Амир Темурнинг шаҳар атрофидаги саройлари ҳақида ҳикоя қилиб, улар янги услубда қурилганлигини кўрсатиб ўтган. Меъморчиликнинг янги тасвирий воситаларини қидириш ўша даврда бутун шарқда тенгсиз ҳашамат, дабдабага эришган ранг-баранг безакда ўз аксини топганлиги қайд қилинади.

Амир Темур ва Темурийлар даврида Ўрта осиеда меъморчилик билан бир қаторда, рассомчилик наққошчилик соҳалари ривожланди. Безакли – бадий буюмлар ҳунармандчилиги юксак даражага кўтарилди. Унинг ривожланиши меъморчилик, рассомлик, наққошлик, маиший буюмлар ишлаш билан ўзаро боғланиш йўли билан бирга кўшилб боради. Ҳар хил санъат турларини бир-бирига боғланиб кетиши, ёғоч ва тошга уйиб нақш солишда ҳам, гилам тўқишда ҳам, қўлёзма китобларни безашда ҳам, муталл ва сопол идишларни безаш намуналарида ҳам яққол намоён бўлади.

Амир Темур ва Темурийлар даврида Шарқда доимий урушлар бўлишига қарамасдан, улар дунё тараққиётига, диний илмлар ва дунёвий фанларни барқарор тараққий этишига катта эътибор билан қарашган.

Ўрта Осие маънавий-маданий тараққиётида Амир Темур ва Улуғбекнинг хизматлари катта бўлган. Мовароуннаҳрда илм-фан, адабиёт, ҳуллас, маънавий маданият барқ уриб ривожланган. Фаннинг кўплаб соҳалари гуркираб ўсди. Табиий ва гуманитар фанлар соҳасида бир қатор буюк олимлар етишиб чиқди, улар жаҳон маданияти ва фанига муносиб ҳисса қўшдилар. Темурийлар даврида айниқса илми нужум – астрономия фни юксалди. Улуғбек, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид ва Али Қушчилар ижоди камолот чўққисига кўтарилган эди.

Гуманитар фанлар соҳасида катта ютуқларга эришилди. Шарофиддин Али Яздий, Низомиддин Шомий, Хофизии Обрў, Абдурахмон Самарқандий,

Хондамир, Зайниддин Восифий ва бошқалар тарих соҳасида баракали ижод қилдилар.

ЮНЕСКОнинг собиқ бош директори Федерико Майор жанобларининг ташаббуси билан 1996 йилда ЮНЕСКО қароргоҳида “Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб яшнаши” мавзусида ўтказилган халқаро конференция ва кўргазма очилган эди. Бу тадбирлар мамлакатимизни Амир Темур сиймосида, у ҳомийлик қилган маданий, маънавий мерос орқали яна бир қарра дунёга танитди. Президентмиз И.Каримов таъкидлаганларидек, Амир Темур олимлар, мунажжимлар, ҳофизлар, машшойиҳларга ғамхўрлик қилишда ҳам ном чиқарган давлат арбоби бўлганлиги, Темурийлар даври ҳақиқатда ҳам илм-фан, маданият ва маърифат беҳад раванқ топганлиги ва уни гуллаб-яшнашини Шарқ Уйғониш даври деб таърифлашга тўғри келади.

Хулас, Амир Темур ва Темурийлар томонидан яратилган қадриятларни ўрганишимиз, у улуг зотлардан қолган маънавий ва маданий меросни асраб-авайлашимиз йўлида бор куч ва имкониятларимизни сафарбар қилишимиз лозим.

Тавсиялар

1.1. Амалий машғулотда таълим технологияси

Машғулот вақти-2 соат	Талабалар сони: 20 – 35 нафаргача
Машғулот шакли	Билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича семинар машғулот
<i>Амалий машғулот режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Темур ва темурийлар давлатининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маиший тараққиёти 2. Меъморчилик, тасвирий санъат ва амалий санъат 3. Илм-фан ва адабиёт. 4. Санъат, фалсафа ва дин
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Темур ва Темурийлар даври маданияти ҳақидаги назарий билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш.	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • Темур давридаги маданий ҳаёт ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш; • Темурийлар давридаги маданий ҳаёт тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтириш; • Темур ва Темурийлар даври ўзга хос Шарқ Ренессанси эканини асослаш 	<p><i>Ўқув фаолияти натижалари:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • Амир Темур даврида маънавий-маданий ҳаёт ривожланишидаги асосий воқеалар ҳақида айтиб беради; • Улуғбекнинг илм-фан ва маданият равнақиға қўшган ҳиссасини очиб беради; • Темур ва Темурийлар даври маданиятининг маданият тарихидаги ўрни ва ролини тушунтиради.
<i>Таълим бериш усуллари</i>	сухбат, тушунтириш, тезкор сўров, зигзаг (арра) техникаси, гуруҳларда ишлаш технологияси
<i>Таълим бериш шакллари</i>	Оммавий, гуруҳларда ишлаш
<i>Таълим бериш воситалари</i>	Ўқув қўлланма, проектор, флипчарт, маркерлар, ўқув топшириқлари
<i>Таълим бериш шароити</i>	Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: савол-жавоб

“Темур ва Темурийлар даври маданияти” мавзуси бўйича амалий машғулотнинг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
Тайёрлов босқичи	Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради. Мавзу бўйича таянч конспектлар ишлаб чиқади. Белгиланган таълимий мақсадларга эришишни таъминловчи ўқув топшириқларини ишлаб чиқади. Кичик гуруҳларда самарали фаолиятни таъминлаш учун ёзма йўриқномаларни тайёрлайди (1-илова). Эксперт гуруҳлар фаолият натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади (2-илова).	
1. Ўқув машғулотига кириш босқичи (10 дақиқа)	1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсади ва кутилаётган натижаларини эълон қилади, уларнинг аҳамиятлилиги ва долзарблигини асослайди. 1.2. Мавзу бўйича асосий тушунчаларга таъриф беришни таклиф қилади ва шу асосда тезкор-сўров ўтказиб талабалар билимларини фаоллаштиради . 1.3. Фаолият кичик гуруҳларда ўқув топшириқларини бажариш орқали амалга оширилишини эълон қилади (2-илова). 1.4. Қўшимча маълумотлар акс этган таянч конспектларни тарқатади. 1.5. Эксперт гуруҳлар фаолияти натижаларини баҳолаш мезонларини эълон қилади.	Тинглайдилар. Саволни муҳокама қилиб, уларга жавоб беради.
2. Асосий босқич (60 дақиқа)	2.1. Талабаларни тўртта кичик гуруҳга бўлади. Машғулотнинг ўтказилиш тартибини яна эслатади. Ўқув машғулоти «ўзи ўрганиб, ўзгага ўргатиш», яъни ҳамкорликда ўрганиш	Кичик гуруҳларга бўлинадилар.

	<p>принципи асосида ўтказилишини айтади (Зигзаг.).</p> <p>2.2. Гуруҳларга эксперт варақларини, шу билан бирга, ҳар бир талабага геометрик шакл тарқатади ва фаолиятларини ташкил қилади (геометрик шакллارни вақтинча бир жойга қўйишларини, вақти келганда улардан фойдаланишларини айтади). Гуруҳларда ишни ташкил қилади. (матнни ўрганиб, муҳокама қилишга 15 дақиқа беради).</p> <p>2.3. Доира шаклини олган талабалар 1-стол, учбурчак шаклини олганлар 2-стол ва тўртбурчак олганлар 3-стол атрофига ўтиришларини айтади. Ҳар хил гуруҳлардан тўпланган талабалар ўз саволларини бошқа талабаларга ёритишини тушунтиради. Ўзаро ўргатиш жараёни бошланади (15 дақиқа).</p> <p>Талабалар фаолиятини кузатади, уларни йўналтиради, маслаҳатлар беради.</p> <p>2.4. Талабаларни ўзларини дастлабки жойларига, стол атрофига келиб ўтиришларини айтади.</p> <p>2.5. Тақдимот бошланишини эълон қилади. Ҳар бир гуруҳдан 3 нафардан талаба чиқиб, фаолият натижаларини тақдим қилишларини айтади. Тақдимот учун ҳар бир гуруҳга 8 дақиқадан вақт ажратади. Йўналтирувчи, маслаҳатчи сифатида иштирок этади. Жавобларни аниқлаштиради, тўлдиради, изох беради ва тузатишлар киритади.</p> <p>2.6. Ҳар бир гуруҳ тақдимоти охирида эксперт саволлари бўйича хулосалар қилади.</p>	<p>Топширик бўйича фаолият бошлайдилар. Матнларини ўқиб, саволларга жавоб топади. Маълумотни муҳокама қилиб, фикр алмашиб, системалаштиради. Формат қоғозига схема тарзида туширади, тақдимот учун материаллар тайёрлайдилар.</p> <p>Фаолият натижасини тақдимот қиладилар.</p>
<p>3–Якуний босқич (15 дақиқа)</p>	<p>3.1. Мавзу юзасидан умумий хулосалар қилади.</p> <p>3.2. Ўқув машғулотини натижаларини шарҳлайди, гуруҳлар фаолияти баҳосини эълон қилади.</p>	<p>Тинглайдилар.</p>

	3.3. Мустақил ишлашлари учун вазифа беради: амалий машғулотга тайёрланиб келиш; назорат саволларига оғзаки жавоб бериш	
--	--	--

1-илова

Гуруҳларда ишлаш қондаси

Шеригингизни диққат билан тингланг.
 Гуруҳ ишларида ўзаро фаол иштирок этинг, берилган топшириқларга масъулият билан ёндашинг.
 Агар ёрдам керак бўлса, албатта муурожаат қилинг.
 Агар сиздан ёрдам сўрашса, албатта ёрдам беринг.
 Гуруҳлар фаолиятининг натижаларини баҳолашда ҳамма иштирок этиши шарт.
 Аниқ тушунмоғимиз лозим:

- Бошқаларга ўргатиш орқали ўзимиз ўрганамиз;
- Биз битта кемадамиз: ёки биргаликда сузиб чиқамиз, ёки биргаликда чўкиб кетамиз.

2-илова

Гуруҳлар фаолиятини баҳолаш мезонлари

Гуруҳлар	Маълумотнинг тўлиқлиги (1,0)	Маълумот мазмунининг аниқ тушунтирилиши (0,5)	Тақдимотнинг кўргазмали берилиши (0,5)	Умумий балл
1-гуруҳ				
2-гуруҳ				
3-гуруҳ				
4-гуруҳ				

Гуруҳлар фаолияти натижаларининг умумий баҳоси

Гуруҳ	Ўзаро баҳолаш натижалари					Жами
	1	2	3	4		
1	*					
2		*				
3			*			
4				*		

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Президент И.А.Каримов асарлари ва меъёрий ҳужжатлар:

1. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. – Т.:Ўзбекистон, 1998
2. Каримов И.А. Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин. – Т.:Ўзбекистон, 1996
3. Каримов И.А. Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз. – Т.:Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.:Шарқ, 1998
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.:Маънавият, 2008.
6. Олий таълим муассасаларида бакалаврларнинг битирув малакавий ишини бажаришга қўйиладиган талаблар. // ОЎМТВнинг 9 июн 2010 йил 225-сонли буйруғи
7. Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар. – Т., 2001.

2. Китоблар, монографиялар, рисоалар:

8. Амир Темур ўғитлари. – Т., 1992
9. Амир Темур ва Темурийлар даврида маданият ва санъат. – Т.:Шарқ, 1996.
10. Амир Темур даврининг меъморий қаҳқашони. – Т., 2006
11. Алескеров Ю.Н.Самарқанд. – Т., 1975
12. Аҳмедов Б. Улуғбек. Эссе. – Т.:Ёш гвардия, 1989.
13. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т.: Шарқ, 2000
14. Аҳадов Ш.А., Эгамов Ш.С. Амир Темур ва Темурийлар даврининг интеллектуал салоҳияти. – Самарқанд, 2004.
15. Булатов М.А. Геометрическая гармонизация в архитектуре Средней Азии. X-XV вв. – М., 1978
16. Бобур З.М. Бобурнома – Т.:Юлдузча, 1992.

17. Гулметов Э., Қобилжонова Т., Эрназаров Ш., Маврулов А. Маданиятшунослик. Маърузалар матни. – Т., 2000.
18. Дадабоев Ҳ. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. – Т., Ёзувчи, 1996
19. Де Клавихо Руи Гонсалес. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406). Пер. И. С. Мироковой. – М., 1990
20. Зоҳидов П.Ш. Зеб ичра зийнат. – Т., 1985
21. Зайниддин Восифий. Бадоеъ ул вақоеъ. – Т.:Фан, 1979
22. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. – Т.:Меҳнат, 1991
23. Искусство зодчих Узбекистана. Вып. 1. – Т., 1967
24. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи. – Т., 1997
25. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Соҳибқирон Амир Темур ва унинг салтанати. – Андижон, 1995
26. Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати. – Т.:Қомуслар бош таҳририяти, 1994.
27. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли – Т.:Фан, 1968
28. Пугаченкова Г.А. Зодчество Центральной Азии. 15 век. Ведущие тенденции и черты. – Т., 1976
29. Пугаченкова Г.А, Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана. – Т., 1958
30. Ремпель Л.И. Архитектурный орнамент Узбекистана. История развития и теория построения. – Т., 1961
31. Тамерлан. Эпоха, личность, деяния. – М., 1992
32. Темур тузуклари. – Т., 1991
33. Туякбаева Б.Т. Эпиграфический декор архитектурного комплекса Ахмеда Яссави. – Алма-Ата, 1989
34. Шарофиддин Али Яздий. Зафарнома.- Т., 1994.

35. Эминов А.М., Қаршибоев Ҳ.Қ. Бакалавриат таълим йўналиши битирувчилари учун битирув малакавий ишларни тайёрлаш ва ҳимоя қилишга оид услубий кўрсатма. – Гулистон, 2011.
36. Қори-Ниёзий Т.Н. Улуғбек ва унинг илмий мероси. – Т.:Ўзбекистон, 1971

3. Илмий тўплам, газета ва журналлардаги мақолалар:

37. Зиёев Ҳ. Тарихий шахслар хусусида. // Мулоқот. №11. 69-75 б.
38. Захидов П.Ш. Мавзолей Биби-Ханум. // «Архитектурное наследие Узбекистана». – Т.1960.
39. Зоҳидов П. Соҳибқирон жамоли. // Ўзбекистон овози. 1996 йил 9 апрель.
40. Массон М.Е., Пугаченкова Г.А. Шаҳрисабз при Тимуре и Улугбека. // Тр. САГУ, Т., 1953.
41. Массон М. Е. Самарканд времени Улугбека. // Звезда Востока, 1958, №5.
42. Пугаченкова Г.А. Садово-парковое искусство Средней Азии в эпоху Тимура и тимуридов. // Тр. САГУ. История. Новая серия. Вып. 23. Т., 1951.
43. Хайитов З. Соҳибқиронни англаш. // Жамият ва бошқарув. 2009. №1. 19-20 б.
44. Шишкин К.А. Медресе Улугбека в Гиждуване. // Материалы Узкометариса. Вып.23, Ташкент, 1933.
45. Шишкин В.А. Мазары в Занги-ата. // В кн.: В.В. Бартольд, Туркестанские друзья и почитатели. – Т., 1927
46. Юсупова М.А. Архитектура хонако эпохи Темуридов. // ОНУ. 1997. №3-4. С.51-58.

47. Қиличев А. Амир Темурнинг давлат бошқаруви. // Жамият ва бошқарув. 2009. №1. 19-20 б.

48. Миллат фахри. //Соҳибқирон юлдузи. 2010. №1. 9-13 б.

4. Интернет ресурслари:

49. www.ziyoNET.uz

50. www.wikipedia.ru

51. www.google.uz

52. www.doc.uz

53. www.middleeast.ru

54. www.allbest.ru

55. www.ferghana.ru

Гулистон давлат университети Тарих факультети 3-47 гуруҳ талабаси Нодирбекова Гулзиранинг 5141500- МИҒ, ҳуқуқ ва маънавият асослари таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун “Темур ва Темурийлар даври маданиятини ўрганишнинг ҳозирги давр учун аҳамияти” мавзусида ёзилган битирув-малакавий ишига

ТАҚРИЗ

“Ҳар қандай жамият тараққиётини илм-маърифатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Буни теран англаган Соҳибқирон Амир Темур ҳокимиятга келиши билан чиқарган дастлабки фармонларини мадраса барпо этиш, илм толибларига нафақалар тайинлаш билан боғлаган...Мазкур фазилат Соҳибқироннинг авлодлари, айниқса, Мирзо Улуғбекка ўтгани шубҳасиз...», деб таъкидлаган эди Президентимиз И.Каримов 1993 йил август ойида Тошкентда Амир Темур ҳайкалининг очилиши маросимида. Ҳақиқатан ҳам, Амир Темур ва Мирзо Улуғбек жаҳон цивилизацияси тарихига буюк ҳисса қўшганлар. Улар даврида маданият ва санъат равнақи, илм-фан ва маърифат ривожини, меъморчиликнинг гуллаб-яшнаши соҳаларида бажарилган ишлар бугунги кунгача илм аҳлини хайратда қолдирмоқда.

Битирувчи Нодирбекова Гулзира томонидан бажарилган битирув-малакавий иш Амир Темур ва Темурийлар ренессанси даврига бағишланган бўлиб, маданиятшуносликнинг муҳим масалаларидан бири атрофлича очиқ берилмоқда.

Г.Нодирбекованинг битирув-малакавий иши Кириш, Адабиётлар таҳлили, Танланган объектлар ва тадқиқот методлари, асосий қисмининг 2 та боби, Хулоса ва тавсиялар, Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова тариқасида тақдимотдан иборат. Иш жами 81 та компьютерда терилган бетдан иборат бўлиб, ДТС талабларига жавоб беради.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ишнинг мақсади ва вазифалари, эришилган янгиликлар, ишнинг аҳамияти ва тузилиши ҳақида гап боради. Адабиётлар таҳлилида ишни ёзишда фойдаланилган адабиётлар таҳлили келтирилган бўлиб, сўнгра талаба танланган объектлар, яъни қўйилган муаммо ва масалалар, ҳамда тадқиқот методлари ҳақида сўз юритади.

Ишнинг 1-боби “Мовароуннахр ва Хуросонда Амир Темур ва темурийлар даври маданиятининг равнақи” деб номланиб, бу ерда Амир Темур даври маданиятининг ўзига хос хусусиятлари, Мирзо Улуғбек даврида илм-фан равнақи бир қатор адабиётлар ва манбалар асосида атрофлича таҳлил қилинган.

Ишнинг 2-боби “Темур ва темурийлар даврида Мовароуннахрда моддий-маънавий маданият равнақи ва уни ўрганишнинг аҳамияти” деб номланган бўлиб, унда Темурийлар Ренессанси даврининг жаҳон маданияти ва санъати тарихидаги урни ҳамда Темур ва темурийлар даври маданиятини ўрганишнинг ҳозирги давр учун аҳамияти масалаларига тўхталган. Бу бобнинг 2 бандида Улуғбек даври мавзусини ўрганиш бўйича дарс сценарийси келтирилгани эътиборга моликдир.

Хулоса ва тавсиялар қисмида мавзу юзасидан умумий хулоса чиқарилиб, Маданиятшунослик фанидан “Темур ва темурийлар даври маданияти” мавзусини семинар машғулотига ўрганиш бўйича технологик харита келтирилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 4 бўлимга ажратилиб келтирилган. Жами 55та номдан иборат. Шунингдек, талаба мавзу юзасидан тақдимот тайёрлаган бўлиб, у ҳам Темур ва Темурийлар даври маданиятини атрофлича акс эттиради.

Битирув-малакавий ишни ёзишга талаба ўқув йилининг бошидан астойдил киришиб, уни талаб даражасида бажаришга ҳаракат қилган ва бунга эришган. Ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни бажара олган. Битирув-малакавий ишда айрим орфографик хатолар учраса-да, улар ишнинг умумий қийматини пасайтирмайди. Фикримча, Г.Нодирбекованинг мазкур битирув-малакавий иши матнини Зиёнет таълим тармоғига жойлаштириш мумкин.

Илмий раҳбар:

МИҒ ва Фалсафа кафедраси доценти

Ш.Юсупов

Гулистон давлат университети Тарих факультети 3-47 гуруҳ талабаси Нодирбекова Гулзиранинг “Темур ва Темурийлар даври маданиятини ўрганишнинг ҳозирги давр учун аҳамияти” мавзусида ёзилган битирув-малакавий ишига

ТАҚРИЗ

Г.Нодирбекова ўзининг битирув малакавий ишида Ўзбекистон тарихи, Ўзбекистон маданияти ва саъати тарихи, Маданиятшунослик, Меъморчилик тарихи, Амир Темур ва темурийлар даври тарихи каби курсларни ўқитишда муҳим мавзулардан бири ҳисобланган “Темур ва Темурийлар даври маданиятини ўрганишнинг ҳозирги давр учун аҳамияти” мавзусини танлаган экан, методик томон билан бирга назарий томонга ҳам катта эътибор берган. Бизнингча, ишнинг режаси тўғри тузилган. Чунки дарс ўтиш методикасини ўрганишдан олдин, назарий билимлар атрофлича бўлиши керак. Шу тамойилга асосланган ҳолда Г.Нодирбекова битирув малакавий ишининг асосий қисмини Темур ва Темурийлар даври маданиятининг ўзига хос хусусиятлари ва жаҳон маданияти тарихидаги ўрнини очиб беришга бағишлаб, фақат 2-боб 2 бандини мавзунини ўрганишнинг ҳозирги давр учун аҳамияти масаласига бағишлади, шунингдек, хулоса қисмида семинар машғулоти бўйича тавсиялар келтирди.

Ишнинг асосий назарий қисмида Амир Темур ва Мирзо Улуғбекларнинг яратувчилик фаолияти билан таништириб, уларнинг меъморчилик ва ободончилик, боғ-истироҳатчилик, илм-фанни ва маданиятни ривожлантириш ишларига катта эътибор берганлиги ва бу соҳаларда амалий фаолияти орқали ҳам бениҳоят шуҳрат қозонганини очиб беради. Улар даврида қурдирилган мажмуа ва бинолар ўзининг маҳобати, нақшларининг зебу зийнати, муҳитининг гўзаллиги билан барчанинг диққатини жалб этган. Улар эл-юртга маърифат тарқатишда, мадраса ва масжид, ҳаммом ва карвонсаройлар, тўғон ва кудуклар қуришда ҳамда боғ-роғлар яратишда ўз замонасининг салоҳияти юксакликка кўтаришган. Улуғбекни илму фан, маърифат тараққиёти йўлида улкан даҳо даражасига кўтарилгани бутун жаҳон афкор оммаси томонидан тан олинган.

Тарихдан маълумки, Самарқанд ва Ҳирот аввал Темур ва Улуғбек даврида, кейинчалик Навоий ва Бобурлар замонасида меъморчилик, санъат ва маданиятнинг йирик марказларига айланди. Шунини айтиш керакки, улуғ бобокалонларимиз ҳомийлик, гуманистик ва ижодкорлик фаолияти билан ўша давр санъати, маърифати ва маданияти намоёндалари, шоир, меъмор, муҳандис, кошинкор, мусаввир, наққош ва бошқа санъаткор ва бинокор усталар, олим ва фозиллар фаолиятини мужассам шаклда уйғунлаштириб, бир мақсадга - халқ фаровонлиги йўлига қарата олдилар. Бу билан улар ўзбек халқи маданияти, хусусан адабиёт, амалий санъат, маърифат ва меъморчилик янада барқ уриб гуллашига раҳнамо бўлдилар. Темур ва Улуғбек раҳнамолик қилган ўша давр меъморчилик, хусусан шаҳарсозлик санъатидан замонавий меъморчиликда қўллашимиз зарур бўлган мажмуа қурилиш услуби ва халққа хизмат кўрсатиш турларини ташкил қилишдаги яхлитликни, меъморий муҳитни манзаралаи ва обод қилмоқ, теран ва ҳаётбахш муҳим яратмоқни ўрганиш лозимдир.

Темурийлар ҳомийлигида юксалган боғ-истироҳатчилик санъатининг кўркам намуналарини, чорбоғ, чорчаман, хиёбон услублари, мевали ва манзарали дарахт ва буталарни мутаносиб экиш, гулчиликда мавсумий узлуксизликни ташкил этиш каби халқчил анъаналарини таҳлил қилиб, ҳаётга кенг жорий этиш йўллари ахтармоғимиз лозим. Бу даврда яратилган адабиёт, илм-фан ва санъат дурдоналари, ўрта аср меъморчилиги ва тасвирий санъатини чуқур ўрганиб, амалиётга татбиқ этиш маданий ҳаётимиз ва амалий ишимизда бебаҳо озуқа бўлиб қолаверади.

Хуллас, Г.Нодирбекованинги битирув-малакавий иши билан танишармиз, ана шундай фикрлар келиб чиқади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу битирув-малакавий ишни Зиёнет таълим тармоғига жойлаштириш мумкин, деб ҳисоблайман.

**Тақризчи: Гулистон 1-педагогика
коллежи олий тоифали ўқитувчиси**

Х.Раҳманова